

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

43-сон  
(1167)  
2024 йил  
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

372. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 25 октябрдаги ЎРҚ–982-сон Конституциявий Қонуни

### Иккинчи бўлим

373. «Агросаноат мажмуида давлат назорати тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 октябрдаги ПФ–164-сон Фармони

### Бешинчи бўлим

374. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2024 йил 28 сентябрдаги 1-2024-сон “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадор-

лигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407-1*)

375. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 2 октябрдаги 22-сон “Машина-трактор паркларининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина саройлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 772-1*)
376. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 19-sentabrda 176-son “Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3561*)
377. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 9 сентябрдаги 175-сон “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (16-сонли БҲС) “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3562*)
378. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 6 сентябрдаги 31-сон “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакилнинг) аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундирилган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3563*)
379. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 16-oktabrdagi 32-son “Hududlardan onkologiya va gematologiyaga ixtisoslashtirilgan yo‘nalishlari bo‘yicha respublikaning bosh tibbiyot tashkilotlariga temir yo‘l yoki aviatransport vositalari orqali bepul keluvchi bemorlar uchun yo‘l chiptalarini rasmiylashtirishga asos bo‘luvchi maxsus vaucher shaklini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 24-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3564*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

# 372 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
11 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 15 августда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юригилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

##### 3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мақоми

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиладиган коллегиял органдир.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиладиган асосий йўналишлари доирасида амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

\* Ушбу Конституциявий Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 октябрда эълон қилинган.

**4-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг мақоми**

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимига вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар киради.

Вазирлик тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган, шунингдек тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини яккабошчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қўмита тегишли соҳада тармоқ ичидаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган ва тартибга соладиган ҳамда тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини коллегиаллик асосида ташкил этадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Агентлик тегишли соҳада давлат хизматлари кўрсатилишини ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқни қўллаш вазифаларини ўзининг асосий вазифаси сифатида амалга оширадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Инспекция тегишли соҳалар ҳамда тармоқларда давлат назорати ва текширувини ўзининг асосий вазифаси сифатида амалга оширадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида мақомга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ташкил этилиши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан амалга оширилади.

**5-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коллегиаллик, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва ҳамкорлиги, шунингдек очиқлик ва шаффофлик Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларидир.

## 2-боб. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

### 6-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари ва вазирлардан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

### 7-модда. Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайлангандан ва органлари шакллангандан сўнг бир ой ичида ёки Бош вазир лавозимидан озод этилганидан кейин ёхуд Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги таркиби истеъфога чиққанидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) кўриб чиқиши ва маъқуллаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тақдим этилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Бош вазир номзодини тақдимнома киритилган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади.

Бош вазир лавозимига номзод Қонунчилик палатасида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда маъқулланган ҳисобланади ва кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Бош вазир лавозимига тақдим этилган номзод уч марта рад этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди ва Қонунчилик палатасини тарқатиб юборишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод масъул кўмита, сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги

хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чораларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ташаббуси билан Бош вазирни, Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги таркибини ёки аъзосини истеъфога чиқаришга ҳақли.

Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Қонунчилик палатасининг муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми, агар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш ва маъқуллашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

### **8-модда. Бош вазирни лавозимидан озод этиш**

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолият кўрсатишига таҳдид солувчи, бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар юзага келганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир неча бор Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилинган тақдирда;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббу-

сига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббус Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг етакчи фракциялари томонидан қўллаб-қувватланса ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасида овозга қўйилганда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Бош вазирга нисбатан Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда.

Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

### **3-боб. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

#### **9-модда. Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

самарали иқтисодий, ижтимоий, солиқ ва бюджет сиёсати амалга оширилиши, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир дастурларнинг ишлаб чиқирилиши ҳамда бажарилиши учун жавобгар бўлади;

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш, ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

аҳолини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш бўйича чоралар кўради;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг иштирок этишини таъминлайди;

фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналти-

ради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чоралар кўради;

Қонунчилик палатасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузаларни тақдим этади;

давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари давлат бошқаруви тизимига жорий этилишини таъминлайди;

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим ҳамда устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиялар, концепциялар, дастурлар ҳамда «йўл хариталари»ни амалга ошириш юзасидан чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, ушбу Конституциявий Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **10-модда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодийёт соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

иқтисодийёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини ва индустриал сиёсат олиб борилишини таъминлайди;

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодийётни ислоҳ этиш ва таркибий ўзгартириш, миллий иқтисодийётни диверсификация қилиш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

иқтисодийётни бошқаришнинг бозор механизмлари жорий этилишини ва унинг асосий тармоқларини ривожлантириш стратегиялари шакллантирилишини таъминлайди;

бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаш бўйича чоралар кўради;

саноатни модернизация ва диверсификация қилишни, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришни, инновацион ишланмаларни ва энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни, «яшил» иқтисодийётга ўтишни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришни, шунингдек атом энергетикасини ривожлантиришни таъминлайди;

иқтисодийёт тармоқларини стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат

дастурларини, давлат ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

туризм индустриясини ривожлантириш ва туризм инфратузилмасини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратади;

махсус иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва мониторинг қилишни амалга оширади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

давлат бошқаруви усулларини такомиллаштиради, шу жумладан электрон ҳукумат принциплари асосида такомиллаштиради, бозор принципларига асосланган корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини рағбатлантиради;

кишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, аграр секторни модернизация қилиш ва уни иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, замонавий ресурсларни тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этиш, ер ресурслари сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

урбанизация жараёнларининг давлат томонидан тартибга солинишини ва давлат уй-жой сиёсати амалга оширилишини, ер муносабатларида замонавий бозор механизмлари жорий этилишини таъминлайди;

эркин тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, «хуфиёна» иқтисодиёт улушини қисқартириш, иқтисодий жараёнларда давлатнинг иштирокни мақбуллаштириш учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали шарт-шароитлар яратади;

тадбиркорлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар мурожаатлари билан ишлаш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш бўйича самарали тизимни жорий этиш чораларини кўради.

### **11-модда. Вазирлар Маҳкамасининг бюджет, молия ва солиқ соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

бюджет, молия ва солиқ соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, республикани иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш прогнозларини ва энг муҳим дастурларини инobatга олган ҳолда солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини ва бажарилишини ташкил этади;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш чораларини амалга оширади;

самарали фискал сиёсат олиб боради, солиқ солиш тизимини содда-лаштириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг сифати ва самарадорлигини яхшилаш чораларини кўради;

давлат қарзини бошқариш бўйича чоралар кўради, хусусан, давлат томонидан маблағ жалб қилиш учун устувор йўналишларни белгилайди, Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қарзига оид шартномаларни ва уларга доир кўшимча келишувларни тузади, давлат қарзини бошқариш стратегиясини тасдиқлайди ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилади, давлат қарзининг макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаб турилишини таъминлайди;

банк, суғурта, лизинг ва бошқа молия институтларини ривожлантириш бўйича чораларни амалга оширади.

### **12-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ижтимоий соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

мактабгача, мактаб, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим тизими уйғун ҳолда ривожлантирилишини, унинг сифати ва самарадорлиги оширилишини, узлуксиз таълимдан ва инклюзив таълимдан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш, шунингдек давлат-хусусий шериклик шартлари асосида нодавлат таълим ташкилотларини ривожлантириш чораларини кўради;

олий таълим тизими, илм-фан ва инновациялар илғор халқаро тажриба асосида ривожлантирилишини, истеъдодли ёшлар нуфузли хорижий таълим ташкилотларида ўқиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

ўқитувчиларнинг жамият ва давлатни ривожлантиришдаги ролини ошириш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги ҳамда касбий жиҳатдан ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан унинг бирламчи бўғинини такомиллаштириш, ушбу соҳага илғор рақамли технологияларни жорий этиш, тиббий ёрдам сифатини, самарадорлиги ва қулайлигини ошириш, тиббий суғурта турларини ривожлантириш, кафолатланган тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш ҳисобидан аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда спорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширади;

аҳоли бандлигини таъминлаш, уни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш чораларини кўради, шунингдек янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожлантирилишини, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини, уларнинг ижтимоий ва пенсия таъминоти тизимларининг ишлашини таъминлайди;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек республикага қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

оила, оналик, оталик ва болалик муҳофаза қилинишини таъминлайди, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш чораларини кўради;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди, фуқароларнинг ҳақиқий даромадларини ошириш, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш чораларини кўради;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини яхшилаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтириш чораларини кўради;

кексаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг соғлигини тиклаш бўйича мақсадли ижтимоий дастурлар амалга оширилишини ҳамда улар мазмунли дам олиши учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши, уларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига кўмаклашиш, уларга зарур бўлган ахборотни монеликсиз олиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

### **13-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маданий-гуманитар соҳадаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

маданий-гуманитар соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади;

маданият ва санъатни ривожлантиришга, маданий қадриятлардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётда тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этишига кўмаклашади;

театр-томоша, маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда музейлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

маданият, санъат ва адабиёт вакилларининг, маънавият соҳаси ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича мақсадли ишларни амалга оширади;

тарихий ва маданий мероснинг муҳофаза қилинишини, мамлакатнинг бутун ҳудудидида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида давлат тилининг ҳар томонлама ривожлантирилиши ҳамда амал қилишини таъминлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ҳамда ривожлантириш чораларини кўради.

#### **14-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳудудларнинг иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, уларнинг саноат ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб равишда ривожлантиришни таъминлайди;

иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат дастурларини, ҳудудий ривожлантириш дастурларини, шунингдек ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ислохотларни амалга ошириш чораларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг мақсадли ижросини таъминлайди;

ҳудудларни, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманларини ҳамда шаҳарларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал қилиш бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ишини таъминлаш чораларини кўради;

ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, ҳудудларда аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ошириб борилишини таъминлашга доир ислохотлар амалга оширилиши жараёнини мониторинг қилиш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тамойилларининг комплекс таҳлилини ўтказиши;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўради, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва унинг иқтисодий хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, баённома қарорлари ва топшириқларининг бажарилиши жараёнини мақсадли ўрганишни амалга оширади;

худудларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим устуворликлар, иқтисодиётнинг муайян тармоқлари ва соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, худудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

### **15-модда. Вазирлар Маҳкамасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш чораларини кўради;

табiiй ресурсларни, шу жумладан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табiiй ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятни ташкил этади;

сув хўжалиги тизимини модернизация ва ислох қилиш, шунингдек соҳага замонавий инновацион ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўради;

атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади;

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика аҳамиятига ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқаришга, шунингдек мазкур йўналишдаги миллий лойиҳаларни янада кенгайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

йирик авариялар ва ҳалокатларнинг, шунингдек табiiй офатларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўради.

### **16-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ташқи сиёсатни амалга ошириш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ҳукуматлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шартномаларнинг бошқа иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришини кузатиб боради;

Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияларнинг фаолияти ташкил этилишини таъминлайди.

### **17-модда. Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

самарали божхона-тариф сиёсатини олиб боради, экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитлар яратади, замонавий логистика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенгайтириш, миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш чораларини кўради;

ўз ваколатлари доирасида халқаро иқтисодий ташкилотлар, молия институтлари ва бошқа кўп томонлама савдо-иқтисодий тизимлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиради ҳамда унда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суради;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар якунлари бўйича инвестиция лойиҳалари ҳамда амалий тадбирлар режалари («йўл хариталари») сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолатларини беради;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

**18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ахборот жамиятини шакллантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизими жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

давлат функцияларини амалга оширишни рақамлаштириш орқали электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш чораларини амалга оширади;

ахборот хавфсизлигини ва ахборот муҳофазасини таъминлаш, тармоқларни, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш чораларини кўради.

**19-модда. Вазирлар Маҳкамасининг жамоат тартибини сақлаш, давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

давлат ҳарбий ташкилотининг мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш, мудофаа манфаатларини кўзлаб мамлакат ҳудудини тезкорлик билан жиҳозлаш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши ҳамда таъминланишини ташкил этади;

давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хорижий давлатлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўради;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади, фуқаро муҳофазасига раҳбарликни амалга оширади.

### **20-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларига раҳбарлик қилиш**

Вазирлар Маҳкамаси республика ижро этувчи ҳокимият органлари ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўзлари олиб бораётган давлат сиёсатининг сифатли ва самарали амалга оширилиши учун Вазирлар Маҳкамаси олдида жавобгардир.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган таклифлар, тахлилий ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, шунингдек уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий тузилмаси, штат бирликлари ва раҳбар ўринбосарларининг сони ҳамда фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, уларнинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг алоҳида йўналишлар бўйича маслаҳатчилари ушбу органлар раҳбарлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳайъатларининг аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси мақсадли вазифаларнинг бажарилишини вазирликларнинг ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларнинг бажарилишини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг асосий мезонларда кўрсатилган мақсадли вазифаларнинг бажарилиши ҳамда уларга эришилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиши.

Вазирлар Маҳкамаси зарурат бўлганда давлат бошқарувининг ўз вако-

латига кирувчи айрим масалаларини ҳал этишни, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мутлақ ваколатларига киритилмаган бўлса, вазирликларга ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларига бериши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **21-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи**

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишда иштирок этиш учун ўз вакилларини тайинлайди.

### **4-боб. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш**

#### **22-модда. Бош вазир**

Бош вазир:

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олдига қўйилган мақсадли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга оширади, юзага келган келишмовчиликлар бўйича қарорлар қабул қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

давлат бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этиш тўғрисида таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва навбатдаги йил учун асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузасини Қонунчилик палатасига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар ярим йилда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаат-

номасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажариб туради.

### **23-модда. Бош вазир ўринбосарлари**

Бош вазир ўринбосарлари вазифалар тақсимотида мувофиқ:

давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган стратегияларда ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурларда белгиланган вазифаларнинг республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши устидан назорат қилади, масъул вазирликлар ва идораларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзосининг сўрови, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг бориши мониторингини амалга оширади;

иқтисодий тармоқларидаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишини бевосита туманлар ва шаҳарларда назорат ва таҳлил қилади, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўради;

аниқ соҳаларда ва йўналишларда амалга ошириладиган ислохотларнинг боришини ўрганиш, шунингдек ҳудудларда аҳоли томонидан кўтариладиган долзарб муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳудудларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини, «ҳукумат кунлари»ни ташкил этади;

стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифлар ишлаб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолиятини самарадорликка йўналтиради, шу орқали тегишли соҳалар ва тармоқлар бўйича белгиланган параметрлар ва мақсадли кўрсаткичларга эришилишини таъминлайди;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини йўлга қўйиш ишларини ташкил этади;

ижтимоий соҳани, иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича белгиланган параметрлар ҳамда кўрсаткичларга эришишга қаратилган манзилли чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

вазирларнинг ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

ўзи масъул бўлган соҳалардаги камчиликларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилади, уларни бартараф этиш бўйича стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифларни ишлаб чиқади;

муаммоли ва истиқболли масалалар бўйича таклифларни умумлаштириш, уларни Вазирлар Маҳкамасига мажлисда муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритиш чораларини кўради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кун тартиби бўйича таклифлар киритади;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Бош вазир ўринбосарлари ўзига ишониб топширилган фаолият соҳасида эришилган натижалар учун шахсан жавобгар бўлади.

#### **24-модда. Бош вазир маслаҳатчиси**

Бош вазир маслаҳатчиси вазифалар тақсимотига мувофиқ:

ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Бош вазирга таклифлар ишлаб чиқилишини, уларнинг экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек бунинг учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

вазирларнинг ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

ўзи масъул бўлган соҳалардаги камчиликларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилади, уларни бартараф этиш бўйича комплекс таклифлар ишлаб чиқади;

муаммоли ва истиқболли масалалар бўйича таклифларни умумлаштириш, уларни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритиш чораларини кўради; қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Бош вазир маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир маслаҳатчисининг функционал вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **25-модда. Вазирлар**

Вазирлар:

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кун тартиби бўйича таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқиши учун масалалар тайёрлашни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади;

Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коллегиял тартибда кўриб чиқишда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тегишли вазирликлар ва уларнинг ташкилий бўйсунувидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Қонунчилик палатасига тақдим этилган ҳаракатлар режасини рўёбга чиқаришга, шунингдек вазирликлар ва уларнинг ташкилий бўйсунувидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларнинг бажарилишини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадли вазифаларни бажаришга доир чораларни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва бошқа ишчи органларига Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра раҳбарликни амалга оширади;

ўзи раҳбарлик қилаётган вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмаси ҳамда штат бирликларини ажратилган маблағлар доирасида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тасдиқлайди;

худуддаги эҳтиёжлар ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда, вилоят ёхуд туман (шаҳар) бўлинмаларини тузади ёки уларнинг туманлараро (вилоятлараро) шаклларини ташкил этади;

тизимдаги кадрлар сиёсатини давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади;

вазирликнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этади.

Вазирлар тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш, қонун ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва комплекс равишда ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари, шунингдек ўзлари раҳбарлик қилаётган вазирликларнинг фаолияти самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

### **26-модда. Вазирлар Маҳкамасининг коллегиял органлари**

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари жумласига кирадиган айрим масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ташкил этилиши мумкин.

### **27-модда. Вазирлар Маҳкамасига масалаларни киритиш ва кўриб чиқиш**

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари — қонунчилик ташаббуси тартибда Қонунчилик палатасига киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари — қабул қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли қисми бўйича номенклатурасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирадиган лавозимларга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиб олиш учун номзодлар ва уларни лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар;

мансабдор шахслар айрим тоифаларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиши тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси билан белгиланган тартибда махсус келишиб олиш талаб қилинадиган таклифлар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасида унинг ваколатларига кирадиган масалаларни кўриб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати мажлисларида, Бош ва

зир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамаси ташкил этадиган комиссияларнинг ҳамда бошқа идоралараро коллегиял органларнинг мажлисларида манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Конституциявий Қонун билан унинг ваколатига тегишли бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган бошқа масалалар ҳам киритилади.

Муҳим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар Бош вазир ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилади.

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирликларнинг ташкилий бўйсунувига кирмайдиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Давлат иштирокидаги ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади.

### **28-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари**

Бош вазир котибияти ва унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларидир.

Бош вазир котибияти Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлашни, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган «йўл хариталарини», жадвалларни, ҳаракатлар дастурларини, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни амалга оширади.

Бош вазир котибиятининг ва Вазирлар Маҳкамаси бошқа таркибий бўлинмаларининг иш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли низомлар билан белгиланади.

Бош вазир котибиятининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Бош вазир котибияти раҳбарининг ўринбосарлари ва Бош вазир ўринбосарлари котибиятларининг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир котибияти таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек Бош вазир ўринбосарлари котибиятларининг раҳбарлари

ўринбосарлари ва ходимлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир котибиятининг таркибий бўлинмалари ва Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ишини мувофиқлаштириш Бош вазир котибияти раҳбари томонидан амалга оширилади.

### **29-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари**

Давлат бошқаруви, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиси, вазирлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи, зарурат бўлганда эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари иштирок этади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчилари ва маслаҳатчилари, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Бош прокурори таклиф этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

### **30-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар**

Кўйидагилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:

Давлат бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзини ошириш чегаралари тўғрисидаги таклифлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

қатъий белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг номенклатураси;

давлатлараро шартномаларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг топшириқларига ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарорларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

### **31-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш**

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Бош вазир котибияти республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда амалга оширади.

Зарур бўлган ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ тайёрланади.

Зарурат бўлганда аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш ҳамда жойлардаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳудудларда Бош вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлислари, шу жумладан «ҳукумат кунлари» ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **32-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қарорлар қабул қилиш**

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома тарзида расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Бош вазир котибияти томонидан расмийлаштирилади ва тарқатилади.

Ҳукуматнинг баённома қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

## **5-боб. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати**

### **33-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати ва унинг таркиби**

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир.

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиси, вазирлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси киради.

#### **34-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш масалалари;

Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритиладиган қонунлар лойиҳалари;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқилади, бундан ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар мустасно.

#### **35-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисини ташкил этишни ва тайёрлашни Бош вазирнинг котибияти амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлислари ҳар ҳафтада Бош вазир томонидан, у йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида қабул қилинган қарорлар баённомалар тарзида расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

### **6-боб. Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари**

#### **36-модда. Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг турлари**

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзолангунига қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг қарор-

ларини, фармойишларини ва Бош вазирнинг фармойишларини тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратни бевосита ёки республика ижро этувчи ҳокимият органлари орқали амалга оширади.

### **37-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлари, агар уларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами»да, «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами»да, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги маълумотлари миллий базасида эълон қилинади, зарур бўлган тақдирда эса бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига етказилади.

### **38-модда. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари**

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

### **7-боб. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар, бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги**

### **39-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва унга ўзгартиришларни ишлаб чиқади ҳамда уларни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Қонунчилик палатасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузаларни тақдим этади.

Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар ярим йилда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Қонунчилик палатаси зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг ўз фаолиятига оид масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиши мумкин ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг ҳисоботини эшитиш яқунларига кўра Қонунчилик палатаси уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиши учун таклиф киритишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари Қонунчилик палатасининг мажлисида Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавобларни тақдим этади («Ҳукумат соати»).

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмиталари ҳамда комиссиялари мажлисларида иштирок этиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли қўмиталарини ва комиссияларини келишилган муддатда хабардор қилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига тааллуқли бўлган парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг шундай сўрови юборилган Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг аъзоси қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқилмайдиган қонун лойиҳаларини, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш борасида

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг иштирок этишига кўмаклашиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда белгиланади.

**40-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда унинг Администрацияси ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён этилган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этиш тўғрисида таклифлар киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг айрим масалаларга доир ҳужжатлари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий тартибда келишиб олинган масалалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича ҳам амалга оширилади.

**41-модда. Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси судлар фаолиятини моддий-техника ва бошқа жиҳатдан таъминлашга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига унинг ваколатига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири иштирок этиши мумкин.

**42-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар фаолиятини молиявий ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар раҳбарлари мазкур органлар ҳамда тузилмаларнинг фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсатининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

**43-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлик қилади, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш масалаларига доир бошқа ҳужжатлар бажарилиши ҳақидаги маълумотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан энг муҳим тармоқлараро ҳамда ҳудудий комплекс дастурларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини ўз ваколатлари доирасида тўхтатиб туришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва уларни

муҳофаза қилишга тааллуқли масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

**44-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари бажарилишининг боришини назорат қилади, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилишга ҳамда ушбу қарорлар ва фармойишлар амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишга ҳақли;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонлари ходимларининг чекланган сонини ва ушбу девонларнинг намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонунчиликка зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб туришга ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган қарорлар ва фармойишлар мустасно.

**45-модда. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади, қонунчиликка мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини кўриб чиқади.

## 8-боб. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги

### 46-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ халқ билан очиқ мулоқотни таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни ташкил этади.

Бош вазирнинг котибияти ва Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларига, республика ижро этувчи ҳокимият органларига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини ва таҳлилини амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ўрганиш яқунлари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида ёки селектор йиғилишларида ҳар чоракда, шу жумладан тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида таклифлар киритган ҳолда кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик қилади.

### 47-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар орқали ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради:

ўз расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ёритиш.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек кўриб чиқиладиган масалалар муҳокамасига жамоатчиликни жалб этиш тартиби Бош вазир томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб-сайтига ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш Бош вазирнинг матбуот хизмати томонидан амалга оширилади.

**9-боб. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир  
маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари  
раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда  
ижтимоий таъминлаш**

**48-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир  
маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бў-  
линмалари раҳбарлари ва ходимларини моддий рағ-  
батлантириш**

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг, Бош вазир маслаҳатчиси, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

**49-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир  
маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бў-  
линмалари раҳбарлари ва ходимларини ижтимоий  
таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, Бош вазир маслаҳатчисига ва Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларига ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар берилади.

Ишлаш учун бошқа ҳудудлардан таклиф қилинган ҳамда Тошкент шаҳрида уй-жойга эга бўлмаган Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, Бош вазир маслаҳатчисига, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарларига ва ходимларига заруратга кўра уларнинг аризасига биноан лавозимда бўлиш вақтида хизмат уй-жойи берилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир маслаҳатчиси ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари кафолатланган тиббий ёрдамдан ҳамда санаторий-соғломлаштириш хизматларидан фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади.

Бош вазир ва унинг ўринбосарларининг, Бош вазир маслаҳатчисининг, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари ходимларининг Вазирлар Маҳкамасидаги узоқ муддатли хизматлари учун қўшимча устамалар белгилашда уларнинг бошқа ташкилотлардаги иш стажи (хизмат даври) инобатга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг ходимлари аввалги иш жойи бўйича ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари-

да амалда бўлган меҳнат шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда лавозим маоши ва бошқа тўловлар миқдорлари сақланган ҳолда фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражаларини, малака тоифаларини, дипломатик даражаларни ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

### 10-боб. Яқунловчи қоидалар

#### 50-модда. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини молиялаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

#### 51-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

#### 52-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 202-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 819–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 203-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги 524–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 525–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 139-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–90-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **1-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–194-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) **10-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–233-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 465-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)**»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–285-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда) **2-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–367-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 4, 86-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–372-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда) **3-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–389-сонли Қонуни-

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) **3-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **2-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **3-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **6-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 мартда қабул қилинган **«Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–527-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 162-модда) **2-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–591-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 885-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **3-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **23-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда) **56-моддасининг 1-банди**.

**53-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**54-модда. Қонунчиликни ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**55-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 25 октябрь,  
ЎРҚ–982-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 373 **Агросаноат мажмуида давлат назорати тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Агросаноат мажмуида ғалла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда истеъмолчиларни сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш, ғалла бозорида давлат иштирокини янада камайтирган ҳолда ички бозорни сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат назоратини кучайтириш ва янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг бўйсунувини Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан унинг фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция) қуйидаги кўшимча вазифалар юклансин:

буғдойни қабул қилиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдорини ҳисобдан чиқаришни назорат қилиш;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тижорат вакили томонидан буғдой етиштирувчилардан харид қилинадиган буғдойни қабул қилиш ва сотиш жараёнларида стандарт талабларига кўра сифат кўрсаткичлари бўйича (мувофиқлик сертификати) ҳамда буғдой синфлари (сифат сертификати) бўйича сертификатлашни назорат қилиш;

импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик ва кўчат материалларида гени модификацияланган организмларнинг (ГМО) мавжудлигини аниқлаш;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация қилиниши самарадорлиги, шунингдек, сервис ва таъмирлаш хизматларининг сифати, қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини мажбурий ва даврий синовдан ўтказиш устидан назоратни амалга ошириш;

соҳада давлат назоратини амалга ошириш ва ҳисоботларни юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

3. Қуйидагилар:

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифалари 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Ўзагроинспекция агросаноат мажмуида давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

Ўзагроинспекция Вазирлар Маҳкамасига бевосита ҳисобдордир;

Ўзагроинспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, унинг ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзагроинспекция билан биргаликда уч ой муддатда давлат захирасидаги бугдойни тадбиркорлик субъектларининг дон корхоналарида сақлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда давлат захирасидаги донни янгилаш, сақлаш жараёнида дон сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш, миқдорий йўқотишларга йўл қўймаслик ҳамда табиий йўқотишнинг энг паст даражада бўлишини таъминлаш чоралари назарда тутилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзагроинспекция билан биргаликда икки ой муддатда ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ҳамда ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзагроинспекция манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 октябрь,  
ПФ–164-сон

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 22 октябрдаги  
ПФ–164-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи  
устидан назорат қилиш инспекциясининг  
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, жумладан:

қишлоқ хўжалиги экинларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва экиш билан боғлиқ ҳамда ўсиш (вегетация) даврида бажариладиган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилиш;

пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига давлат томонидан буюртма бериш, уруғ тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳамда уларнинг уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни, мевали дарахт ва ток кўчатларини сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларни амалга ошириш;

корхоналар томонидан пахта техник чигитининг тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишлаганлиги ҳамда уларнинг маҳсулот сифатини тасдиқловчи гигиеник хулоса ва мувофиқлик сертификатларига эғалигини таҳлил қилиш;

дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мақсадли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, экинлар навларини синаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация қилиниши самарадорлиги, шунингдек, сервис ва таъмирлаш

хизматларининг сифати, қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини мажбурий ва даврий синовдан ўтказиш устидан назоратни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

2. Агросаноат мажмуи соҳасида қонунчилик ҳужжатлари ижросини таҳлил қилиб бориш, таҳлил натижалари бўйича соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда пахта, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили, уларнинг уруғлари ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш.

4. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, ваколати доирасида тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар расмийлаштириш ва айбдор шахсларни жаримага тортиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 22 октябрдаги  
ПФ–164-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатида:

а) 5-позицияда:

«Текширувлар (назорат функциялари)» устунидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Назорат қилувчи орган» устунидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) изоҳнинг олтинчи хатбошидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган ва тугатилаётган идоралараро коллегиял органлар рўйхатининг

16-позицияси «Тугатилаётган органнинг функцияларини бажарувчи (ваколатларига алоқадор қисмида) субъектлар» устунидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5742-сон Фармонининг 5-банди бешинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармони билан тасдиқланган 2023 йил 1 январдан бошлаб ташкилий бўйсунуви ўзгараётган республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг 23-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги «Маъмурий ислохотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–90-сон Фармонида:

а) 1-банднинг саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадаги «Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» блоки чиқариб ташлансин;

в) 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги ПҚ–2800-сон қарори билан тасдиқланган Формали кийим кийилиши назарда тутилаётган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар рўйхатининг «Идоравий формали кийим» бўлими 10-позициясидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3408-сон қарорининг 14-бандидаги «Молия вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3479-сон қарорининг 2-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4020-сон қарори билан тасдиқланган Худудларда замонавий иссиқхона

комплексларини ташкил этишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳлар намунавий таркибининг 4-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4241-сон қарорида:

а) номи ва муқаддимасидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази» давлат муассасаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази» давлат муассасаси деб қайта номлансин»;

в) 3-банддаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 41-банддаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлигига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4634-сон қарорининг 9-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июндаги «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4760-сон қарорининг 10-бандидаги «Ўзстандарт» агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга

2-илованинг VII бўлими 2-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–17-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарори билан тасдиқланган «E-IJARA» ахборот тизими ва «E-auction» электрон савдо платформасига интеграция қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирликлар ва идоралар рўйхатининг 15-бандидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги «Фаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–262-сон қарори 2-банди «в» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–374-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат мулки» ахборот тизими ва интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари рўйхатининг 9-позицияси «Вазирлик ва идоралар номи» устунидаги «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****374 Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буыраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 21 ноябрдаги 2-2022-сон буйруғи (рўйхат рақами 3407, 2022 йил 28 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2022 й., 10/22/3407/1127-сон) билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Директор биринчи ўринбосари**

**А. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 28 сентябрь,  
1-2024-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 октябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазирлиги*

**Б.МУСАЕВ**

2024 йил 27 сентябрь

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

**Д. КУЧКАРОВ**

2024 йил 27 сентябрь

*Рақамли технологиялар вазири*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

2024 йил 27 сентябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**К. РАФИКОВ**

2024 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини  
ривожлантириш агентлиги директорининг  
2024 йил 28 сентябрдаги 1-2024-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг  
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш  
услугиятига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Услугиятнинг амал қилиши давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига асосан фаолият самарадорлигини баҳолашнинг алоҳида тартиби белгиланган давлат органларидаги лавозимларга нисбатан татбиқ этилмайди.»

2. 2-бандда:

а) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**занжир услуби** — давлат органи раҳбари ва унинг ўринбосари фаолиятининг ЭМСКни вертикал тизим бўйича ўзига бўйсунувчи давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг бутун иерархияси бўйлаб изчиллик асосида тақсимлаш орқали баҳоланувчи раҳбарларнинг индивидуал ЭМСКни ишлаб чиқиш тартиби;»;

б) ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «Samaradorlik.uz» электрон платформаси (бундан буён матнда Ягона электрон платформа деб юритилади) — давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек худудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари (бундан буён матнда баҳоланувчи раҳбар деб юритилади) фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини, шунингдек улар ва давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижаларини акс эттирувчи ҳамда маълумот алмашинувини назарда тутувчи ахборот тизими.»;

в) қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «hrm.argos.uz» электрон платформаси — инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритишни амалга оширувчи автоматлаштирилган ахборот тизими.».

3. 3-бандда:

а) иккинчи хатбоши «давлат органи раҳбари» деган сўзлардан кейин «ва унинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни Ягона электрон платформага, шунингдек давлат фуқаролик хизматчиларини рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «hrm.argos.uz» электрон платформасига доимий равишда киритиб бориш;».

4. 5-банднинг иккинчи хатбошиси, 7-банднинг «в» кичик банди, 12-банднинг иккинчи хатбошиси, 13-банд «давлат органи раҳбари» деган сўзлардан кейин «ва унинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аниқлилиги, эришиш кўзланаётган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгиланиши;».

6. 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат органи томонидан баҳолаш натижаларига кўра қўлланилган рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги маълумотлар Масъул таркибий тузилма ёки инсон ресурсларини бошқариш таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «hrm.argos.uz» электрон платформасига доимий равишда киритиб борилади.».

7. 10-банднинг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобот даври кесимида келгуси йил учун тасдиқланади.

Бунда, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг ЭМСКга эришилганлиги натижалари камида ҳар чоракда (давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, ойлик ва ярим йиллик ҳисобот давлари белгиланиши мумкин) баҳоланади.»

9. 18-банднинг биринчи хатбошисидаги «ушбу Услугиятнинг 4-иловасига мувофиқ» деган сўзлар «Ягона электрон платформа орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 20-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «ушбу Услугиятнинг 7-иловасида кўрсатилган шаклга мувофиқ баҳолаш варақасини расмийлаштириш орқали» деган сўзлар «Ягона электрон платформа орқали автоматик тарзда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 22-банднинг 1 ва 2-кичик бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) ЭМСКЭД =  $(AK/MK) * 100$  прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун;

2) ЭМСКЭД =  $100 + (100 - AK/MK * 100)$  регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун. Бунда, ушбу формула ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик даражаси, хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонлик, оналар ва гўдаклар ўлими ҳамда бошқа шу каби кўрсаткичларга нисбатан қўлланилади.»

12. 24-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Давлат органи раҳбари ва унинг ўринбосарига бўйсунувчи таркибий тузилмалар, ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича ўртача ЭМСК натижалари йиғиндиси ушбу раҳбар ва унинг ўринбосарига белгиланган ЭМСКнинг натижасига мувофиқ бўлиши лозим.»

13. 1, 2 ва 3-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

14. 4 ва 7-иловалар ўз қучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**375** Машина-трактор паркларининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина саройлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 772-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ–3751-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 6 мартдаги ПҚ–4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–164-сон «Аграр соҳада хизмат кўрсатувчи давлат иштироқидаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган Машина-трактор паркларининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина саройлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 772, 1999 йил 12 июль) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 октябрь,  
22-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 октябрда эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**376** Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3561*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Pensiyalar, nafaqalar, stipendiyalar hamda respublikaning byudjet muassasalari va tashkilotlarida ish haqi miqdorlarini oshirish to‘g‘risida”gi 1995-yil 16-avgustdagi PF–1213-son Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 19-sentabr,  
176-son

*Kelishildi:*

**Kambag‘allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri**

**B. MUSAYEV**

*2024-yil 13-sentabr*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 25-oktabrda e‘lon qilingan.

\*\* Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil  
19-sentabrda 176-son buyrug'iga  
1-ILOVA

**Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirish  
maxsus fondi to'g'risida  
NIZOM**

Ushbu Nizom Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirish maxsus jamg'armasi (bundan buyon matnda Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi deb yuritiladi) hisobidan budjet tashkilotlarining xodimlarini moddiy rag'batlantirish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Byudjet tashkilotlarida moddiy rag'batlantirish maxsus  
fondini tashkil etish**

1. Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi respublikadagi byudjet tashkilotlarida (tibbiyot muassasalari, barcha turdagi umumta'lim maktablari, o'rta maxsus va professional ta'lim muassasalaridan tashqari) mehnat haqi fondining 15 foizi miqdorida tashkil etiladi.

“Muruvvat” internat uylari va Ijtimoiy qo'llab-quvvatlash markazlari, urush va mehnat faxriylari sanatoriylari, nogironlar reabilitatsiya markazlari va uyda ijtimoiy yordam ko'rsatish xizmati xodimlarining Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi miqdori mehnat haqi fondining 25 foizi miqdorida tashkil etiladi.

Mazkur banddagi Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi bo'yicha belgilangan foiz miqdorlari alohida normativ-huquqiy hujjatlarda ko'rsatilgan byudjet tashkilotlari uchun tatbiq etilmaydi.

2. Mehnat haqi fondiga bazaviy tarif stavkasi, lavozim maoshi, mehnatni rag'batlantirish koeffitsiyenti, alohida mehnat sharoitlari uchun to'lov, uzoq yil xizmat qilgani uchun to'lov, maxsus unvonlar uchun to'lanadigan ustama, tuman koeffitsiyentlari uchun to'lanadigan ustama, budjetdan ajratiladigan ikki oylik mehnat haqi fondi miqdoridagi mukofot, bir oylik mehnat haqi fondi miqdoridagi moddiy yordam, shuningdek ijtimoiy soliq hisoblanadigan boshqa to'lovlar kiradi.

3. Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi byudjet mablag'lari hisobidan shakllantiriladi.

Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi mablag'lari, muassasaning xarajatlar smetasida O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti xarajatlari iqtisodiy tasnifining 41 11 100 “Asosiy ish haqi” moddasiga (toifa, modda, kichik modda va element) kiritish bilan shtatlar jadvalining “Xodimlarning moddiy rag'batlantirish maxsus fondi” alohida satrida ajratib ko'rsatilgan holda nazarda tutiladi.

4. Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi mablag'lariga qonunchilikda belgilangan tartibda va o'rnatilgan stavkalarda ijtimoiy soliq hisoblanadi. Moddiy rag'batlantirish maxsus fondi mablag'laridan amalga oshirilgan to'lovlarga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i hisoblanadi, shuningdek qonunchilikka muvofiq tegishli ushlanmalar ushlab qolinadi.

## 2-bob. Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi mablag‘laridan foydalanish

5. Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi mablag‘lari byudjet tashkilotlari xodimlari ish haqiga ustamalar belgilash va xodimlarni mukofotlashga yo‘naltiriladi hamda rejalashtirilgan mablag‘lar doirasida sarflanadi.

Byudjet tashkilotlarida shtat birliklari to‘ldirilmaganligi hisobiga shakllangan moddiy rag‘batlantirish maxsus fondining mablag‘lari bo‘shab qolgan mablag‘lar hisoblanmaydi.

Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi mablag‘lari hisobidan ustamalar belgilash yoki mukofotlash byudjet tashkilotlari xodimlarining tarif stavkasi yoki lavozim maoshiga (rag‘batlantirish koeffitsiyentini inobatga olgan holda) nisbatan amalga oshiriladi.

6. Byudjet tashkilotlarida xizmat vazifalarini tashabbuskorlik va vijdonan bajargan yuqori malakali xodimlarni rag‘batlantirish maqsadida, qonunchilikda belgilangan tartibda ishda erishgan yutuqlari uchun tarif stavkasi yoki lavozim maoshining (rag‘batlantirish koeffitsiyentini inobatga olgan holda) 50 foizidan oshmagan miqdorlarda shaxsiy ustamalar belgilanadi. O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag‘laridan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlarining boshqaruv xodimlari uchun ushbu ustamalarning eng yuqori miqdorlari chegaralanmaydi.

Mazkur ustamalar rahbarga yuqori turuvchi tashkilot tomonidan, boshqa xodimlarga muassasa yoki tashkilot rahbari tomonidan belgilanadi.

Byudjet tashkilotining markaziy apparat xodimlariga ustamalar ushbu organning rahbari tomonidan belgilanadi. Byudjet tashkilotlari rahbarini ustamasi yuqori turuvchi organ ruxsati bilan belgilanadi.

Ish sifati yomonlashganda, topshiriqlar o‘z vaqtida bajarilmaganda, mehnat va ijro intizomi buzilganda, ustamalar bekor qilinadi yoki kamaytiriladi.

7. Xodimlarga mukofotlar to‘lash hisobot davri yakuni bo‘yicha hamda yubiley va bayramlarda amalga oshiriladi. Mukofotlarning miqdori ishning umumiy natijalariga xodimning shaxsiy ulushiga qarab belgilanadi va mukofotning yuqori miqdorlari chegaralanmaydi.

8. Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi hisobidan amalga oshirilgan to‘lovlar barcha hollarda (ta‘til uchun to‘lov, pensiyani tayinlashda, vaqtinchalik mehnatga qobiliyatsizlik nafaqasi va boshqalar) o‘rtacha ish haqini hisoblashda hisobga olinadi.

## 3-bob. Hisob-kitob va hisobdorlik

9. Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi bo‘yicha qilingan xarajatlar byudjet tashkilotlarining alohida buxgalteriya hisobi registrlarida yuritiladi.

Byudjet tashkilotlari xarajatlar smetasining ijrosi haqidagi hisobotda Moddiy rag‘batlantirish fondi hisobidan amalga oshirilgan xarajatlar O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti xarajatlari iqtisodiy tasnifi bo‘yicha asosiy ish haqi xarajatlari tarkibida aks ettiriladi.

10. Moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi mablag‘laridan maqsadli foydalanilishi ustidan nazoratni amalga oshirish byudjet tashkilotlari rahbarlariga yuklatiladi.

O'zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil  
19-sentabrdagi 176-son buyrug'iga  
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy  
normativ-huquqiy hujjatlar  
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan 1995-yil 8-sentabrda 98-son bilan tasdiqlangan "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risida"gi nizom (ro'yxat raqami 177, 1995-yil 20-sentabr).

2. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2002-yil 19-martdagi 44-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 177-1, 2002-yil 26-mart) (Me'yoriy hujjatlar axborotnomasi, 2002-yil 6-son).

3. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2004-yil 20-yanvardagi 22-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 177-2, 2004-yil 9-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-yil 6-son, 77-modda).

4. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2007-yil 30-apreldagi 45-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomga qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 177-3, 2007-yil 17-maydagi) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami 2007-yil 19-20-son, 209-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2007-yil 20-dekabrdagi 109-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 177-4, 2008-yil 11-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-yil 1-2-son, 9-modda)

6. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2015-yil 7-iyuldagi 64-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomning 3.2-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 177-5, 2015-yil 9-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami 2015-yil 27-son, 363-modda).

7. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 22-apreldagi 35-sonli "Byudjet muassasalari va tashkilotlari xodimlarini moddiy rag'batlantirishning maxsus jamg'armasi to'g'risidagi nizomga rasmiy sharh berish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 6-16/1-5260/6, 2014-yil 30-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami 2014-yil 18-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**377** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(16-сонли БҲС) «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли  
мажбуриятлар ва шартли активлар»ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3562*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва давлат секторида бюджет ҳисобини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (16-сонли БҲС) «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 9 сентябрь,  
175-сон

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
9 сентябрдаги 175-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(16-сонли БҲС) «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли  
мажбуриятлар ва шартли активлар»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (16-сонли БҲС) «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) томонидан баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Стандарта қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**мажбурият** — ташкилотда бўлиб ўтган ҳодисалардан келиб чиқадиган жорий муносабатлар бўлиб, унда тўловлар иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциални ўзида мужассам этган ресурсларни ташкилотдан чиқиб кетиши орқали юзага келади;

**баҳоланган мажбурият** — муддати ёки миқдори ноаниқ бўлган мажбуриятдир;

**юримдик жавобгарлик** — шартнома шартлари, қонунчилик ёки бошқа ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиши натижасида юзага келадиган жавобгарлик;

**конструктив жавобгарлик** — ташкилотнинг қуйидаги хатти-ҳаракатлари орқали юзага келадиган жавобгарлик:

олдинги шаклланган тажриба, эълон қилинган сиёсат ёки етарлича жорий баёнотига кўра, ташкилотнинг бошқа томонларга муайян масъулиятни ўз зиммасига олишини билдириши;

бунинг натижасида ташкилот ўз зиммасига олган жавобгарликлар бажарилиши тўғрисида бошқа томонларда умид ҳосил қилиши;

**жавобгарлик юклайдиган ҳодиса** — ташкилотнинг жавобгарликни сўндиришдан бошқа муқобил амалий чораси бўлмаслиги билан натижаландиган, юридик ёки конструктив жавобгарликни юзага келтирадиган ҳодисадир;

**реструктуризация** — ташкилотнинг раҳбарияти томонидан режалаштириладиган ва назорат қилинадиган дастур бўлиб, унга кўра ташкилотнинг фаолияти доираси ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш усулларининг ўзгартирилиши;

**шартли актив** — олдинги ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин бўлган актив бўлиб, унинг мавжудлиги (вужудга келиши) фақат ташкилот-

нинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгусидаги бир ёки бир нечта ноаниқ ходисаларнинг содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги билан тасдиқланади;

**шартли мажбурият** — олдинги ходисалар натижасида юзага келиши мумкин бўлган жавобгарлик бўлиб, унинг мавжудлиги фақат ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгусидаги бир ёки бир нечта ноаниқ ходисаларнинг содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги билан тасдиқланади;

**зарар келтирувчи шартнома** — шартнома бўйича вужудга келган жавобгарликларни бажариш учун амалга ошириши аниқ бўлган харажатлар ушбу шартнома бўйича олиниши кутилаётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартномадир;

**ҳисобот санаси** — молиявий ҳисоботлар тегишли бўлган ҳисобот даврининг охири куни;

**ҳодиса** — олдинги ва келгуси даврларда амалга оширилган фаолият натижасида ташкилотга жавобгарликни юзага келтириши мумкин бўлган муносабатлар.

2. Мазкур Стандартнинг мақсади баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга таъриф бериш, уларни тан олиш, баҳолаш ва очиб бериш тартибини белгилашдан иборат.

Мазкур Стандарт фойдаланувчиларга шартли активлар ва шартли мажбуриятларнинг хусусияти, вақти ва миқдорини тушунишга имкон бериш учун молиявий ҳисоботларнинг изоҳлар қисмида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб қилади.

3. Баҳоланган мажбуриятлар молиявий ҳисоботларда кредиторлик қарзлар ва ҳисобланган харажатлар каби мажбуриятлар сифатида акс эттирилади.

Кредитор қарздорлик ва ҳисобланган мажбуриятлардан фарқли ўларок, баҳоланган мажбуриятлар баҳоланиши керак, чунки улар муддат ва миқдор жиҳатидан ноаниқликларга боғлиқдир. Шунинг учун баҳоланган мажбуриятлар молиявий ҳисоботларни тайёрловчилардан харажатларнинг муддатлари ва миқдорлари бўйича энг яхши тахминлар (баҳолаш)дан фойдаланишни талаб қилади.

4. Олдинги ходисалар ва зарар келтирувчи шартномалар билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ташкилотнинг одатий фаолияти билан боғлиқ зарарлар баҳоланган мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши мумкин эмас.

Активларнинг қадрсизланиши ҳам баҳоланган мажбурият бўлиши мумкин эмас. Бироқ, келгусидаги ходисалар, яъни нарх инфляцияси ёки валюта айирбошлаш курсидаги ўзгаришлар мажбуриятни баҳолашга таъсир этишини шубҳасиз исботлаш мумкин бўлса, мазкур келгусидаги ходисалар молиявий ҳисоботларда баҳоланган мажбуриятлар сифатида акс эттирилади.

5. Шартли активлар ва шартли мажбуриятлар молиявий ҳисоботда тан олинмайди.

Шартли активлар ва шартли мажбуриятлар тан олинмаслигига қарамасдан уларни молиявий ҳисоботларнинг изоҳларида очиб беришда мазкур Стандарт талабларига амал қилиниши керак.

6. Ташкилот баҳоланган мажбуриятлар, шартли активлар ва шартли мажбуриятларни мазкур Стандарда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиши керак.

7. Мазкур Стандарт ташкилот томонидан қўйидаги баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобга олишда қўлланилмайди:

ташкилот томонидан тақдим этиладиган ижтимоий ёрдамлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар (бунда, ташкилот мазкур манфаатларни олувчилардан тақдим этилаётган товар ва хизматлар учун уларни қийматига тенг компенсация олмайди);

ҳаққоний қийматда ҳисобга олинадиган молиявий инструментларнинг натижаси ҳисобланадиган мажбуриятлар (амортизация қийматида баҳоланадиган молиявий инструментлар бундан мустасно);

зарар келтирувчи шартномалар бўлмаган, ижро этиладиган шартномалар натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар ва активлар;

ходимларни рағбатлантириш тўловлари билан боғлиқ бўлган мажбурият ёки активлар (бундан ишдан бўшатиш билан боғлиқ нафақалар мустасно);

бюджет ҳисобининг бошқа стандарти билан тартибга солинган мажбурият ва активлар.

8. Аҳолига соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой, транспорт ва ижтимоий ёрдамлар каби ижтимоий хизматлар тақдим этилишига нисбатан ушбу Стандарт татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Баҳоланган мажбуриятни тан олиш, ўзгаришлар, фойдаланиш ва ҳисоблаш**

### **1-§. Баҳоланган мажбуриятларни тан олиш**

9. Баҳоланган мажбуриятлар қўйидаги ҳолларда ташкилот томонидан тан олинishi лозим:

олдинги ҳодиса натижасида ташкилот юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлса;

жавобгарликни бажариш учун иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциални ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб қилинса;

жавобгарлик қиймати ишончли баҳоланса.

Агар ушбу ҳолатлар бажарилмаса, баҳоланган мажбурият тан олинмаслиги лозим.

Баҳоланган мажбуриятлар ташкилот реструктуризация ёки юридик жиҳатдан мажбурий бўлган фаолиятни тугатиш билан боғлиқ харажатларини амалга оширишга тўғри келганида ҳам юзага келади.

10. Олдинги ҳодиса бўйича ҳисобот даврининг охирида жавобгарликнинг юзага келиш эҳтимоли унинг юзага келмаслиги эҳтимолидан кўпроқ бўлса, олдинги ҳодиса жавобгарликни юзага келтиради деб ҳисобланади.

### **2-§. Баҳоланган мажбуриятлардаги ўзгаришлар ва баҳоланган мажбуриятлардан фойдаланиш**

11. Баҳоланган мажбуриятлар ҳар йили ҳисобот санаси ҳолатига қайта

кўриб чиқилиши ва жорий энг тўғри баҳони акс эттириш учун тузатишлар киритилиши керак. Агар жавобгарликни кўрсатилган миқдорда тўлаш учун иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциални ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқими юзага келмаса, баҳоланган мажбуриятни бекор қилиш керак.

12. Баҳоланган мажбуриятдан фақатгина мазкур баҳоланган мажбурият дастлаб қопланиши режалаштирилган харажатлар учун фойдаланилиши керак.

### 3-§. Баҳоланган мажбуриятларни ҳисоблаш

13. Баҳоланган мажбурият сифатида тан олинган сумма ҳисобот санасида мавжуд жавобгарликни бажариш учун зарур бўлган харажатларнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиши керак. Баҳоланган мажбуриятлар солиқларни инобатга олмаган ҳолда ҳисобланади.

14. Баҳоланган мажбурият сифатида тан олинishi керак бўлган сумма у билан боғлиқ ноаниқликлардан келиб чиқиб турли усуллар орқали ҳисобланади.

Баҳоланган мажбуриятни ҳисоблашда жавобгарлик келтириб чиқариши мумкин бўлган объектлар кўп миқдорни ташкил этса, жавобгарлик барча объектлар бўйича келиб чиқishi мумкин бўлган натижаларни уларга тегишли бўлган эҳтимолликлар билан ҳисобга олган ҳолдаги қийматини аниқлаш орқали баҳоланади.

Баҳолашнинг бу усули «кутилаётган қиймат» деб номланади. Шунинг учун баҳоланган мажбурият бу суммани йўқотиш эҳтимолига (масалан, 60 фоизга ёки 90 фоизга тенг бўлишига) қараб фарқланади. Мумкин бўлган натижаларнинг оралиғи узлуксиз бўлса ва бу оралиқнинг ҳар бир йўқотиш эҳтимоли бошқаси каби бир хил бўлса, ўртачаси олинади.

Масалан: Давлат тиббий лабораторияси давлат ва хусусий тиббиёт марказлари ва шифохоналарга диагностика ультратовуш сканерларини тўлиқ таъмирлаш шarti билан тақдим этади. Ускуналар кафолат билан таъминланади, унга кўра диагностика ультратовуш сканерлари сотиб олинганидан кейин биринчи олти ой ичида аниқ бўлган ҳар қандай нуқсонларни таъмирлаш харажатлари қопланади. Агар тақдим этилган барча жиҳозларда кичик нуқсонлар аниқланса, 1 миллион сўм таъмирлаш харажатлари келиб чиқади. Агар тақдим этилган барча жиҳозларда катта нуқсонлар аниқланса, таъмирлаш харажатлари 4 миллион сўмга олиб келади. Лабораториянинг олдинги тажрибаси ва келгусидаги тахминлари шуни кўрсатадики, келгуси йил учун ускунанинг 75 фоизида нуқсонлар бўлмайди, ускунанинг 20 фоизида кичик нуқсонлар ва 5 фоиз ускунада катта нуқсонлар бўлади. Бунда, мазкур Стандартнинг 22-бандига мувофиқ лаборатория барча етказиб берилган жиҳозлар бўйича кафолат мажбуриятлари юзага келиш эҳтимолини баҳолайди.

Жиҳозларни таъмирлаш мажбуриятининг кутилаётган қиймати:

(нолдан 75%) + (1 млн сўмдан 20%) + (4 млн сўмдан 5%) = 400 000.

15. Алоҳида олинган жавобгарлик баҳоланганда, энг кўп аниқ натижа мажбуриятнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин. Агар бошқа нати-

жалар юзага келиши учун асосли имкониятга эга бўлса, молиявий ҳисоботдаги баҳоланган мажбурият учун потенциал жавобгарликни баҳолашда улар эътиборга олиниши керак.

### **3-боб. Жавобгарлик ва унинг ишончли баҳоси**

16. Ташкилот ҳисобот санасида жавобгарликларнинг мавжудлигини барча далиллар асосида, шу жумладан эксперт ёки мутахассислар фикрини ҳисобга олган ҳолда аниқлайди. Кўриб чиқилган далиллар ҳисобот санасидан кейинги фаолият бўйича тақдим этилган қўшимча далилларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳисобот санасида жавобгарликнинг юзага келиш эҳтимоли юқори бўлмаса ҳамда иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциални ўзида мутасам этган ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли йўқ бўлса, ташкилот шартли мажбуриятни молиявий ҳисоботга изоҳларда очиб беради.

17. Жавобгарликнинг ҳисоб баҳоларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг муҳим қисмидир ва унинг ишончилигини камайтирмайди. Камдан-кам ҳолатларда ташкилот бир қатор мумкин бўлган натижаларни аниқлай олади ҳамда шунинг учун мажбуриятни баҳолаш ва тан олишда фойдаланиш учун етарлича ишончли бўлган жавобгарликнинг ҳисоб баҳосини аниқлайди.

18. Жавобгарликнинг ишончли ҳисоб баҳосини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, тан олинмайдиган мажбурият мавжуд бўлади. Ушбу мажбурият молиявий ҳисоботда шартли мажбурият сифатида очиб берилади.

### **4-боб. Олдинги ҳодиса**

19. Ҳодиса жавобгарлик юклайдиган ҳодиса бўлиши учун ташкилотда ушбу ҳодиса туфайли юзага келган жавобгарликни қоплашдан бошқа чора бўлмаслиги керак.

Мазкур ҳолат фақатгина қуйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин:

жавобгарлик сўндирилиши қонунчилик ҳужжатлари, шартномалар ва суд ҳужжатларига мувофиқ таъминланадиган бўлганда;

конструктив жавобгарликда ҳодиса (бу ташкилотнинг хатти-ҳаракати бўлиши мумкин) ташкилот ўз зиммасига олган жавобгарликларни бажариши юзасидан бошқа томонларда ташкилот жавобгарликни бажариши тўғрисида асосли кутишларни ҳосил қилганда.

Молиявий ҳисоботда ташкилотнинг келгусидаги ҳолати эмас, балки ҳисобот даврининг охиридаги молиявий ҳолати акс эттирилади. Шунинг учун келгусида ташкилот фаолиятини давом эттириш учун амалга оширилиши керак бўлган харажатлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар ҳисобга олинмайди. Ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинмайдиган мажбуриятлар фақат ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган мажбуриятлардир.

20. Ташкилот томонидан ҳодиса содир бўлган вақтда жавобгарлик юзага келмаслиги, бироқ қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ёки ташкилот

томонидан етарлича аниқ баёноат берилиши (конструктив) натижасида жавобгарлик юзага келиши мумкин.

Масалан, ваколатли орган томонидан табиатга зарар етказилганда, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича жавобгарлик юзага келмаслиги мумкин. Бироқ, янги қабул қилинган қонунчилик зарарни тўғрилашни талаб қилса ёки ваколатли органи ёхуд бошқа ташкилот зарар оқибатларини бартараф этиш жавобгарлигини ўз зиммасига олса, бу ҳолат жавобгарлик юклайдиган ҳодиса ҳисобланади.

### **5-боб. Иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг эҳтимолий чиқиб кетиши**

21. Мажбуриятнинг баҳоланган мажбурият сифатида тан олиниши учун нафақат мавжуд жавобгарлик бўлиши, балки ушбу жавобгарликни бажариш учун иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиши лозим.

Агар ҳодиса содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлса, яъни ҳодиса содир бўлиш эҳтимоли содир бўлмаслиги эҳтимолидан каттароқ бўлса, ресурсларнинг чиқиб кетиши ёки бошқа ҳодиса эҳтимолий деб ҳисобланади.

22. Бир қанча ўхшаш жавобгарликлар мавжуд бўлганда (масалан, товар бўйича кафолатлар ёки шунга ўхшаш шартномалар), жавобгарликни сўндириш учун ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли бундай жавобгарликларни бутун синфига нисбатан аниқланади. Ҳар бир шартнома бўйича ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлиши мумкинлигига қарамай, бундай жавобгарликларнинг бутун бир синфини сўндириш учун бир қанча ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб этилиши мумкин. Бундай ҳолларда, баҳоланган мажбурият тан олинади (агар бошқа тан олиш мезонлари бажарилса).

### **6-боб. Шартли мажбуриятлар ва шартли активларни тан олиш**

23. Шартли мажбурият қўйидагилардан иборат:

1) олдинги фаолиятдан келиб чиқадиган ва мавжудлиги фақат ташкилотнинг тўлиқ назоратига кирмайдиган бир ёки бир нечта ноаниқ келгусидаги ҳодисаларнинг содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги билан тасдиқланиши мумкин бўлган жавобгарликлар;

2) олдинги фаолиятлардан келиб чиқадиган, аммо қўйидаги сабабларга кўра тан олинмайдиган жорий жавобгарликларни ҳам ўз ичига олади:

жавобгарликни бажариш учун иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб қилинмаганда;

жавобгарлик миқдорини етарлича ишончлилик билан аниқлаш мумкин бўлмаганда.

24. Шартли мажбурият иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потен-

циалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли бўлса, очиб берилади.

25. Ташкилот томонидан шартли мажбуриятлар иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли борлигини аниқлаш учун доимий равишда баҳолаб борилади. Агар олдиндан шартли мажбурият сифатида кўриб чиқилган объект бўйича келгусидаги иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалининг чиқиб кетиш эҳтимоли юзага келса, баҳоланган мажбурият эҳтимоллик ўзгариши содир бўлган даврнинг молиявий ҳисоботида тан олинади.

Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органи атроф-муҳитга оид қонунчиликни бузган бўлса, бироқ атроф-муҳитга бирор-бир зарар етказилганлиги номаълум бўлиб, кейинчалик зарар етказилганлиги ва уни бартараф этиш зарурлиги аниқ бўлса, ташкилот баҳоланган мажбуриятни тан олади, чунки иқтисодий ресурс чиқимининг эҳтимоли юзага келади. Аксинча, агар мавжуд жавобгарликнинг иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалини ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлса, жавобгарлик тан олинмаслиги ёки изоҳлар қисмида очиб берилмаслиги керак.

26. Ташкилот жавобгарлик бўйича бошқа томонлар билан биргаликда солидар жавобгар бўлса, мажбуриятнинг бошқа томонлар томонидан бажарилиши кутилаётган қисми шартли мажбурият сифатида кўриб чиқилади, чунки бошқа томонлар мажбуриятининг ташкилотга таъсири қандай бўлиши аниқ эмас.

Масалан, қўшма корхонанинг қарзи бўлса, мажбуриятни қўшма корхонанинг бошқа иштирокчилари томонидан бажарилиши керак бўлган қисми шартли мажбурият сифатида кўриб чиқилади.

27. Ташкилотнинг назорати остида бўлмаган кутилмаган ҳодисалар натижасида юзага келадиган иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалининг кирими эҳтимоли бўлса, ташкилот ушбу шартли активни тан олмадлиги, балки уни молиявий ҳисоботнинг изоҳлар қисмида очиб бериши керак.

28. Шартли активлар молиявий ҳисоботда тегишли тартибда акс эттирилишини таъминлаш учун доимий равишда баҳоланади. Агар иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалининг юзага келиши аниқ бўлса ҳамда активнинг қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлса, актив ва тегишли даромад ўзгаришлар содир бўлган даврнинг молиявий ҳисоботида тан олинади. Агар иқтисодий фойда ёки хизматлар кирими эҳтимоли кам бўлса, шартли актив тан олинмаслиги ёки очиб берилмаслиги керак.

### **7-боб. Дисконтланган қиймат**

29. Баҳоланган мажбурият ҳисобот санасидан кейин бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач тўланиши кутилса, баҳоланган мажбурият миқдори «пулнинг вақт қийматини» акс эттириш учун дисконтлашдан фойдаланган ҳолда молиявий ҳисоботда унинг жорий қиймати бўйича кўрсатилиши керак. Келгусида тўланиши керак бўлган баҳоланган мажбурият дисконтланганда, молиявий ҳисоботда баҳоланган мажбуриятнинг баланс қиймати ҳар тўлов йилида баҳоланган мажбуриятнинг номинал қийматига етгунга қадар ортади. Баҳоланган

мажбуриятнинг баланс қиймати ҳар бир ҳисобот даврида ортади ва ҳар бир даврда фоизлар харажатлари сифатида тан олинади.

30. Дисконт ставкаси (ёки ставкалари) солиқларни ҳисоблашдан олдинги ставка (ёки ставкалар) бўлиши керак, бу пулнинг вақт қиймати бўйича жорий бозор баҳоларини ва мажбуриятга хос бўлган рискларни акс эттиради. Дисконт ставкаси (ставкалари) келгусидаги пул оқимлари ҳисоб-китоблари бўйича тузатилган рискларни акс эттирмаслиги керак.

### **8-боб. Келгуси ҳодисалар**

31. Баҳоланган мажбуриятлар ҳисобот санасидан олдин содир бўлган ҳодиса натижасида юзага келган жавобгарликни қоплаш учун шаклантирилади. Жавобгарликни сўндириш учун талаб этиладиган суммага таъсир қилиши мумкин бўлган келгуси ҳодисалар, улар содир бўлишига етарлича объектив далиллар мавжуд бўлганда, баҳоланган мажбурият қийматида акс эттирилиши лозим. Масалан, баҳоланган мажбурият олувчилар учун инфляция ёки бошқа ўзига хос харажатлар ўзгаришлари оқибатларини қоплаш учун маълум баҳоланган мажбуриятлар индекс билан боғланган бўлиши мумкин (кутилаётган инфляцияга тузатишлар «келгуси ҳодиса»). Бундай ҳолларда келгуси ҳодисалар баҳоланган мажбуриятларни баҳолашга таъсир қилиши мумкин.

32. Баҳоланган мажбурият миқдорига таъсир кўрсатадиган келгуси ҳодисаларга қуйидаги ҳолат мисол бўлиши мумкин:

Масалан, Ҳукумат хизмат муддати охирида электр станцияси билан боғлиқ ифлослантирувчи моддаларни тозалаш харажатлари келгусида технологиядаги ўзгаришлар (ишлаб чиқариш харажатлари) ҳисобидан камаяди деб ҳисоблаганда, технологиядаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тозалаш бўйича кутилаётган харажатларни акс эттиради.

Ташкилот томонидан технологиядан фойдаланиш тажрибаси ошиши билан боғлиқ тарзда кутилаётган харажатларнинг камайишини ёки олдин амалга оширилган тозалаш ишларига нисбатан мураккаброқ ёки каттароқ кўламдаги ишларни амалга ошириш учун мавжуд бўлган технологияни ишлатиш бўйича кутилаётган харажатларини баҳоланган мажбурият миқдорига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, агар бу етарлича объектив далиллар билан асосланган бўлмаса, ташкилот тозалаш ишларини амалга ошириш учун янги технологиянинг ишлаб чиқилишига умид қила олмайди.

33. Ташкилотнинг амалдаги жавобгарлиги миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги қонунчилик ҳужжатларининг таъсири ушбу жавобгарликни баҳолашда, қонунчиликнинг амалда кучга кириши аниқ бўлган етарли объектив далиллар мавжуд бўлганда, ҳисобга олинади.

### **9-боб. Компенсацияларнинг баҳоланган мажбуриятларга таъсири ҳамда активларнинг ҳисобдан чиқарилиши**

34. Баҳоланган мажбуриятни тўлаш учун зарур бўлган харажатларнинг бир қисми ёки ҳаммаси бошқа томон ҳисобидан қопланиши кутилса, компен-

сация фақатгина ташкилот жавобгарликни қоплаган тақдирда ёки компенсация олиниши аниқ бўлганда тан олиниши керак. Компенсация алоҳида актив (дебиторлик қарзи) сифатида кўриб чиқирилиши керак. Компенсация учун тан олинган миқдор баҳоланган мажбурият миқдоридан ошмаслиги керак.

35. Молиявий ҳисоботда баҳоланган мажбурият билан боғлиқ харажатлар ушбу Стандартга мувофиқ компенсациядан олинадиган даромад сифатида тан олинган суммани чегириб ташлаган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

36. Ташкилот баҳоланган мажбуриятнинг бир қисми ёки ҳаммасини учинчи шахсга тўлаш учун муурожаат қилиши мумкин (масалан, суғурта шартномалари, товон тўлаш шартлари ёки етказиб берувчиларнинг кафолатлари орқали). Бошқа томон ташкилот томонидан тўланган суммаларни қоплаши ёки тўғридан-тўғри тўлаши мумкин.

Аксарият ҳолларда, ташкилот кўриб чиқиляётган сумма учун жавобгар бўлиб қолади ва учинчи шахс товон тўламаса, тўлиқ суммани тўлаши керак бўлади.

Бунда, мажбуриятнинг тўлиқ миқдори бўйича баҳоланган мажбурият тан олинади ва ташкилот мажбуриятни тўлаган ҳамда компенсация олиниши аниқ бўлса, кутиляётган компенсация алоҳида актив сифатида тан олинади.

37. Активларнинг ҳисобдан чиқарилишидан кутиляётган даромадлар, кутиляётган йўқотиш баҳоланган мажбуриятнинг юзага келишига сабаб бўлган ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, баҳоланган мажбуриятни баҳолашда ҳисобга олинмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот тегишли активлар билан боғлиқ бюджет ҳисоби стандартларида белгиланган тартибда активларни ҳисобдан чиқаришдан даромадларни тан олади.

### **10-боб. Зарар келтирувчи шартномалар**

38. Шартнома бўйича вужудга келган жавобгарликларни бажариш учун амалга ошиши аниқ бўлган харажатлар ушбу шартнома бўйича олиниши кутиляётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартнома зарар келтирувчи шартнома ҳисобланади.

Бунда, шартнома бўйича амалга ошиши аниқ бўлган харажатлар шартномани бажариш учун талаб этиладиган харажатлардан ва уни бажармаслик натижасида юзага келадиган ҳар қандай компенсациялар ёки жарималардан кичиги бўлган, шартномадан чиқишнинг энг кам харажати акс эттиради.

39. Ташкилот зарар келтирувчи шартномага эга бўлса, шартнома бўйича мавжуд жавобгарлик (ундирилган тўловни чегирган ҳолда) баҳоланган мажбурият сифатида тан олинади ва баҳоланади. Ҳодисалар натижасида шартнома зарар келтирувчи шартнома бўлса, шартнома ушбу Стандартда белгиланган тартибда тан олинади.

40. Шартномани бажариш шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади. Шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар қуйидагилардан иборат:

шартномани бажаришнинг қўшимча харажатлари (масалан, бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш ва хом ашёлар);

шартномаларни бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни тақсимлаш (масалан, бошқалари орасида ушбу шартномани бажаришда фойдаланиладиган асосий воситалар объекти учун амортизация суммасини тақсимлаш).

### **11-боб. Реструктуризация харажатлари**

41. Реструктуризация харажатлари, фаолият ёки хизматни тугатиш, тасарруф этиш, филиални ёпиш, бошқа жойга кўчириш, бошқарув тузилмасидаги ўзгаришлар, бошқа қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлганда, баҳоланган мажбурият сифатида тан олинishi мумкин.

42. Тўғридан-тўғри реструктуризация натижасида юзага келадиган ва реструктуризация бўлмаганда юзага келмаслиги аниқ бўлган ҳамда ташкилотнинг жорий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар яратилиши мумкин. Шунинг учун реструктуризациядан сўнг ходимларни ишдан бўшатиш харажатлари, агар улар ушбу Стандартнинг 41-бандида кўрсатилган шартларга жавоб берса, давр харажатлари сифатида кўрсатилиши керак.

Ташкилотда ишлашда давом этаётган ходимларни бошқа жойга кўчириш ёки қайта тайёрлаш харажатлари реструктуризация харажатлари сифатида тан олинмайди.

Ушбу харажатлар келгусида фаолиятни юритишга тааллуқли бўлади ва ҳисобот даври охирида реструктуризация бўйича мажбуриятларни ифода этмайди. Бундай харажатлар реструктуризацияга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган харажатлар учун белгиланган тартибда тан олинади.

43. Ташкилотни реструктуризация қилиш унинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлса, реструктуризация қилингунгача қутилаётган келгусидаги зарарлар мазкур Стандартнинг 38 — 40-бандларида назарда тутилган зарар келтирувчи шартномага тааллуқли бўлмаса, баҳоланган мажбуриятга киритилмайди.

44. Баҳоланган мажбуриятни юзага келтирувчи жавобгарлик юридик ёки конструктив ҳолатларнинг натижаси бўлиши мумкин. Реструктуризация харажатлари учун юридик жавобгарлик аниқ белгиланган бўлиши керак. Бироқ, конструктив жавобгарлик фақат қўйидаги ҳолларда юзага келади:

реструктуризация режаси мавжуд бўлиб, унда режа қаерда ва қачон амалга оширилиши, ишдан бўшатиш учун компенсация оладиган ходимларнинг тахминий сони ва режа бўйича амалга ошириладиган харажатлар аниқланганда;

реструктуризацияга таъсир этадиган ходимлар ва манфаатдор томонларни реструктуризация режасининг асосий тафсилотлари ва уни келгусида амалга ошириш ниятида эканлиги ёки уни амалга оширишга киришганлиги тўғрисида оммавий равишда хабардор қилинганда.

45. Мазкур Стандартнинг 44-бандидаги шартларнинг иккаласи ҳам ҳисобот санасидан олдин қўлланилса, баҳоланган мажбурият ушбу даврда тан

олиниши мумкин. Реструктуризация яқин вақтда амалга оширилиши кераклиги ҳақидаги шарт муҳим аҳамиятга эга, чунки амалга оширишдаги ҳар қандай кечикиш конструктив жавобгарлик юзага келмаганлигини кўрсатади ҳамда шунинг учун кутилаётган харажатлар учун баҳоланган мажбуриятни ушбу Стандарт бўйича тан олиб бўлмайди.

### 12-боб. Ахборотни очиб бериш

46. Ташкилот молиявий ҳисоботга изоҳларда баҳоланган мажбуриятнинг ҳар бир тоифаси учун қуйидаги маълумотларни очиб бериши лозим:

ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги баланс қиймати;

ҳисобот даври мобайнида қўшимча баҳоланган мажбуриятлар яратилиши, шу жумладан мавжуд баҳоланган мажбуриятлар оширилиши;

ҳисобот даври мобайнида сарфланган харажатлар миқдори (баҳоланган мажбуриятдан чегирилган миқдори);

ҳисобот даври мобайнида бекор қилинган ва фойдаланилмаган баҳоланган мажбурият суммалари;

вақт ўтиши ва дисконт ставкасининг ҳар қандай ўзгариши таъсиридан келиб чиқадиган дисконтланган миқдорнинг давр мобайнида кўпайиши;

баҳоланган мажбурият мазмунининг қисқача тавсифи ва иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалининг чиқими кутилаётган муддатлари;

ушбу чиқимлар миқдори ёки муддатига оид ноаниқликлар (адекват маълумотни тақдим этиш зарур бўлганда, ташкилот келгусидаги ҳодисаларга оид асосий тахминларни очиб бериши);

кутилаётган компенсация учун тан олинган ҳар қандай актив суммасини кўрсатувчи кутилаётган компенсация суммаси.

Бунда, қиёсий маълумотлар талаб қилинмайди.

47. Ташкилот ҳисобот санасида мазкур Стандартда белгиланган шартли мажбуриятларнинг ҳар бир тоифаси учун:

шартли мажбурият моҳиятининг қисқача тавсифини;

ушбу Стандартдан келиб чиққан ҳолда шартли мажбуриятнинг молиявий самарасини баҳолаши;

ҳар қандай чиқиб кетиш миқдори ёки муддати билан боғлиқ ноаниқликларни кўрсатиши;

ҳар қандай товонни қайтариш имкониятини очиб бериши лозим.

48. Баҳоланган мажбурият ва шартли мажбурият бир хил ҳодисалар натижасида келиб чиқса, ташкилот тегишли тушунтиришларни баҳоланган мажбурият ва шартли мажбурият ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган тарзда очиб беради.

49. Ташкилот баҳоланган мажбуриятни баҳолаш учун экспертларга баҳолашга доир маълумотларни очиб бериши лозим.

50. Иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш потенциалининг кирими эҳтимоли бўлган тақдирда, ташкилот ҳисобот санасида шартли активлар хусусиятининг қисқача тавсифини ва молиявий таъсирини баҳолашни очиб бериши керак.

51. Шартли актив ва шартли мажбуриятлар бўйича очиб берилиши талаб қилинадиган маълумотлар очиб берилмаса, бунинг сабаби кўрсатилиши керак.

Шартли мажбурият ёки шартли актив бўйича бошқа томонлар билан низолашилаётган ҳолатлар (маълумотлар) очиб берилмаслиги мумкин. Бунда, ташкилот маълумотларни очиб бермаган ҳолда низонинг умумий моҳиятини ва маълумот очиб берилмаслиги сабабларини ёритиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**378** Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакилнинг) аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3563*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 февралдаги ПҚ–88-сон «Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 213-сон «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакилнинг) аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 6 сентябрь,  
31-сон

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2024 йил 5 сентябрь*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

*Д. КАСИМОВ*

*2024 йил 12 август*

*Рақобатни ривожлантириш ва  
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш қўмитаси раиси*

*Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ*

*2024 йил 5 сентябрь*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2024 йил 7 август*

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
6 сентябрдаги 31-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакилнинг) аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган  
ЙИГИМ МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Бажариладиган иш (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Йиғимлар миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорида)
<b>I. Дори воситалари хорижий ишлаб чиқарувчисининг аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим миқдорлари</b>			
<b>1.</b>	<b>Дори воситасини рўйхатдан ўтказиш учун аризани кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш:</b>	<b>Бир дори воситаси учун</b>	<b>344</b>
1.1.	ҳар бир доза; ҳар хил таъмдаги қўшимчалар ва хушбўйлаштирувчи турлари; ягона бирламчи ўрамдаги ёки ягона иккиламчи ўрамда жойлашган алоҳида бирламчи ўрамдаги ҳар бир дори воситаси.	қўшимча бир тури учун	87
<b>2.</b>	<b>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган дори воситасини рўйхатдан ўтказиш учун аризани кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш</b>	<b>Бир дори воситаси учун</b>	<b>206</b>
<b>3.</b>	<b>Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:</b>		
3.1.	дори воситасининг намуналарини лаборатория текширувисиз*, хусусан:		
3.1.1.	дори воситаси савдо номи (дори воситасининг номига савдо белгиси «®», «™», «°», «*» белгиларни қўшилиши ва олиб ташланиши) ва/ёки ишлаб чиқарувчиси, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгасининг номини ўзгартириш, қўшимча миқдор ва қўшимча ҳажм олиб ташлаш; дори воситаси ишлаб чиқарувчиси ёки рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномаси эгасининг мулкчилик шакли ва/ёки манзили (ишлаб чиқариш ҳудуди жойлашган жойи ўзгармаган ҳолатда, шаҳар, туман, кўча номи ва/ёки уй рақами) ўзгартириш.	Бир дори воситаси учун	67
3.1.2.	дори воситаси норматив ҳужжатидаги маълумотларга таъсир қилмайдиган ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгартиришлар: ишлаб чиқариш сериясининг ҳажмини ўзгартириш, ёрдамчи моддалар ва қадоқлаш материалларини ва ишлаб чиқарувчиларини ўзгартириш ёки кўшиш;	Бир дори воситаси учун	45

	фаол моддани ишлаб чиқариш жараёнида ёки лаборатория таҳлил усулларидаги ўзгартиришлар, фаол модданинг сифат сертификатини янгилаш ва фаол модда ишлаб чиқарувчиларидан бирини олиб ташлаш, ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарувчисини ўзгартириш; яроқлилик муддатини узайтириш.		
3.1.3.	дори воситаси норматив ҳужжатидаги барча бўлимларига сифатини назорат усулларига ва кўрсаткичларни меъёрларига таъсир қилмайдиган ўзгартиришлар киритиш	Бир дори воситаси учун	49
3.1.4.	ўрам макетини ўзгартириш (ўлчамлари, дизайни, шрифт, қўшимча маълумот қўшиш ёки маълумотларни олиб ташлаш)	Бир дори воситаси учун	46
3.1.5.	дори воситаси норматив ҳужжатидаги «Маркировка» бўлими билан ўрам макетини биргаликда ўзгартириш	Бир дори воситаси учун	46
3.1.6.	қўллаш йўриқномасига ўзгартириш киритиш	Бир дори воситаси учун	23
3.2.	Дори воситасининг намуналарини лаборатория текшируви билан, хусусан:		
3.2.1.	дори шаклига қўшимча ўрам турини киритиш (қўшимча ҳажм ўрами, тўпلام ўрами, ўлчов қошиқ, шприц, стакан, калпоқчаси, тўпلامда эритувчи қўшиш); дори воситаси сифатини назорат усулларига ва кўрсаткичларнинг меъёрларига ўзгартиришлар киритиш, қўшимча назорат усулларини киритиш; дори воситаси фаол модда ишлаб чиқарувчиларини ўзгартириш ёки қўшимча ишлаб чиқарувчи қўшиш, қўшимча ишлаб чиқариш майдонини қўшиш.	Бир дори воситаси учун	172
3.2.2.	Дори воситасини ишлаб чиқариш майдонига ўзгартириш киритиш	Рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимнинг 50 %	
4.	<b>Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш</b>	<b>Бир дори воситаси учун</b>	<b>8</b>
5.	<b>Дори воситаларини рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини амал қилиш муддатини узайтириш*</b>	<b>Рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимнинг 50 %</b>	
6.	<b>Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини дубликатини бериш</b>	<b>Бир дори воситаси учун</b>	<b>4</b>
<b>II. Тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим миқдорлари**</b>			
1.	<b>Рўйхатдан ўтказиш учун аризани кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш</b>		
1.1.	Ионлашган ва бошқа турдаги нурланишларни ишлатишга асосланган қурилма ва ускуналар		
1.1.1.	Магнит-резонанс томографлар	Бир ном учун	72
1.1.2.	Рентген аппаратлари: стационар, ҳаракатланадиган.	Бир ном учун	72
1.1.3.	Стоматологик рентген аппаратлари	Бир ном учун	72
1.1.4.	Радиологик қурилма ва ускуналар	Бир ном учун	72
1.1.5.	Литотрипторлар (визуализацион рентген системаси билан)	Бир ном учун	72
1.1.6.	Хирургик лазерлар	Бир ном учун	72
1.1.7.	Компьютер ва позитрон-эмиссион томография	Бир ном учун	72
1.1.8.	Ангиография системалари	Бир ном учун	72

1.1.9.	Маммографлар, флюорографлар	Бир ном учун	72
1.1.10.	Чизиқли тезлатгичлар	Бир ном учун	72
1.1.11.	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий техникалар	Бир ном учун	72
1.2.	Ташхис аппаратлари ва мониторинг системаси		
1.2.1.	Эндоскопик асбоблар (гастрофиброскоплар, бронхофиброскоплар, колонофиброскоплар, видеогастроскоплар)	Бир ном учун	67
1.2.2.	Ультратовуш ташхис аппаратлари ва эхоимпульссканловчи аппаратлар, эхотомоскоплар, денситометрлар	Бир ном учун	67
1.2.3.	Электрокардиографлар, электроэнцефалографлар	Бир ном учун	67
1.2.4.	Мониторлар, кардиомониторлар, холтермониторлар	Бир ном учун	67
1.2.5.	Допплер аппарати	Бир ном учун	67
1.2.6.	Ультрабинафа ва инфрақизил нурларни ишлатишга асосланган аппаратлар	Бир ном учун	67
1.2.7.	Реографлар, реоплетизмографлар, миографлар	Бир ном учун	67
1.2.8.	Ташхис, товушли ва бошқа сигнал генераторлари	Бир ном учун	67
1.2.9.	Миянинг ички ва ликвор босимини ўлчаш, нерв тизими ҳолатларини аниқлаш учун асбоблар	Бир ном учун	67
1.2.10.	Ички аъзоларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун фотокамералар	Бир ном учун	56
1.2.11.	Спирографлар, спирометрлар, нафас олишни ўлчаш учун асбоблар, ҳаво олиш ва чиқаришда газ алмашинуви ва газнинг таркибини аниқлаш учун асбоблар, ўпка ҳажмини ўлчаш учун асбоблар:		
	а) механик	ҳар бир ном учун	56
	б) автоматик	ҳар бир ном учун	67
1.2.12.	Юрак-қон томир тизимида босимни, пульс частотасини, қон оқими тезлигини ўлчаш учун асбоблар		
	а) механик	ҳар бир ном учун	56
	б) автоматик	ҳар бир ном учун	67
1.2.13.	Ташхис комплекслари	Бир ном учун	67
1.2.14.	Эластография учун аппаратлар	Бир ном учун	67
1.2.15.	Видеодерматоскоп системалари	Бир ном учун	67
1.2.16.	Томир визуализаторлари	Бир ном учун	67
1.2.17.	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий техникалар	Бир ном учун	67
1.3.	Жарроҳлик, анестезиология ва реанимация учун аппаратлар		
1.3.1.	Дефибриляторлар	Бир ном учун	78
1.3.2.	Наркоз-нафас олдириш аппаратлари	Бир ном учун	67
1.3.3.	Сунъий қон айлантириш аппаратлари	Бир ном учун	67
1.3.4.	Оксигенаторлар, гемоконцентраторлар	Бир ном учун	74
1.3.5.	Ўпканинг сунъий вентиляцияси учун аппаратлар:		
	а) механик	ҳар бир ном учун	56
	б) автоматик	ҳар бир ном учун	67

1.3.6	Жарроҳлик, анестезиология ва реанимация аппаратлари учун сарф материаллари (фильтрлар, узайтиргичлар, жўмраклар, найчалар, ҳаво юборувчилар)	Бир ном учун	58
	қўшимча	хар бир модификация учун	6
1.3.7	Дори юбориш учун аппаратлар, инфузион дозаторлар, инфузион ва шприц насослари	Бир ном учун	67
1.3.8	Перистальтик насослар	Бир ном учун	67
1.3.9	Кувезлар (янги туғилган чақалоқлар учун инкубаторлар)	Бир ном учун	67
1.3.10	Электрожарроҳлик детоксикация аппаратлари	Бир ном учун	67
1.3.11	Аспирация ва ирригация аппаратлари (инсуфлятор, эндофлятор)	Бир ном учун	67
1.3.12	Электрожарроҳлик юқори частотали генераторлар (юқори частотали жарроҳлик скальпеллари, аргон коагуляторлари)	Бир ном учун	67
1.3.13	Тиббий жарроҳлик микроскоплари:		
	а) механик	хар бир ном учун	56
	б) автоматик	хар бир ном учун	67
1.3.14	Лапароскопия, эндохирургия ва артроскопия учун ускуналар	Бир ном учун	67
1.3.15	Электрожарроҳлик учун арра, перфораторлар ва дреллар	Бир ном учун	61
1.3.16	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий техникалар	Бир ном учун	67
1.4	Диализ, гемодиализ, плазмаферез ва ангиография учун аппаратлар ва бутловчи материаллар		
1.4.1	Диализ, гемодиализ (сунъий буйрак, сунъий буйракни парваришлаш асбоблари), плазмаферез	Бир ном учун	67
1.4.2	Диализ, плазмаферез, гемодиализ ва ангиография учун буюмлар (магистраллар, стентлар, катетерлар, плазмифильтрлар, ўтказгичлар, баллон катетерлар, интродьюсерлар, индефляторлар, оклюдерлар, диализаторлар)	Бир ном учун	95
	қўшимча	хар бир тур ва диаметр ўлчами учун	35
1.4.3	Гемодиализ ва бошқалар учун сарф материаллари (гемоконцентратлар, концентратлар)	Бир ном учун	87
	қўшимча	хар бир тури	33
1.5	Клиник, клиник-диагностик лабораториялар учун ускуна ва сарф материаллар		
1.5.1	Биокимёвий, ИФА, гематологик ва бошқа анализаторлар:		
	а) автоматик	хар бир ном учун	67
	б) ярим автоматик, портатив	хар бир ном учун	67
1.5.2	ДНК амплификаторлар	Бир ном учун	67
1.5.3	ПЦР-диагностикаси учун ускуна, биохавфсизлик шкафлари	Бир ном учун	67
1.5.4	Глюкометрлар тўпламда	Бир ном учун	96
1.5.5	Буғли ва курук ҳаволи стерилизаторлар	Бир ном учун	56

1.5.6	Лаборатория аквадистилляторлари ва дистилляторлари	Бир ном учун	55
1.5.7	Ювиш ва дезинфекция учун ускуналар	Бир ном учун	67
1.5.8	Дезинфекцион эритмаларни тайёрлаш учун ишлатиладиган аппаратлар ва қурилмалар	Бир ном учун	56
1.5.9	Тиббий рентген плёнкалари учун принтерлар	Бир ном учун	67
1.5.10	Ионлаштирувчи нурлардан химояловчи воситалар	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация учун	1
1.5.11	Тиббиёт рентген плёнкалари, фотопластинкалар ва фотоплёнкалар, флуороплёнкалар	Бир ном учун	59
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	1
1.5.12	Рентген плёнкаларни автоматматик ва қўлда ишлов бериш учун реактивлар (материаллар), проявителлар, маҳкамловчи материаллар	Бир ном учун	56
1.5.13	Чизиқли ўлчамларни қўлда ўлчаш учун тиббиёт асбоблари (бўй ўлчагич, тазомер)	Бир ном учун	56
1.5.14	Гемоцитометрлар, фотометрлар	Бир ном учун	67
1.5.15	Қон заррачалари ҳисоблагичлари:		
	а) механик	хар бир ном учун	55
	б) автоматик	хар бир ном учун	65
1.5.16	Коагулометрлар	Бир ном учун	67
1.5.17	Озонаторлар	Бир ном учун	67
1.5.18	Инкубаторлар, ламинарлар, юувчи қурилмалар (вошерлар)	Бир ном учун	67
1.5.19	Бактерацид, симоб-кварцли нурлатгичлар	Бир ном учун	67
1.5.20	Қон гуруҳини аниқлаш тизимлари	Бир ном учун	67
1.5.21	Намуналарни бўйш, қон хужайраларини ҳисоблаш ва кислоталарни тозалаш тизимлари	Бир ном учун	67
1.5.22	Экстрокорпорал уруғлантириш учун ускуналар (ЭКО)	Бир ном учун	67
1.5.23	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий техникалар ва буюмлар	Бир ном учун	67
1.6	Ташхис воситалари, реагентлар тўплами ва бошқа лаборатория ташхис воситалари		
1.6.1	ИФА, РИА, ИРМА диагностикаси учун реагентлар тўплами, референс материаллар	Бир тури учун	61
1.6.2	ПЦР диагностикаси учун реагентлар тўплами	Бир тури учун	61
1.6.3	Сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил учун иммуноблотлар	Бир тури учун	68
1.6.4	Биокимёвий ва бошқа реагентлар тўплами	Бир тури учун	61
1.6.5	Экспресс тестлар	Бир тури учун	61
1.6.6	Ёпиқ турдаги автоматик диагностик анализаторлар, in vitro диагностика учун реагентлар тўлами	Бир ном учун	61
	қўшимча	хар бир ном учун	9
1.6.7	Озуқа муҳитлари, хужайраларни ўстириш учун эритмалар, эритмали факторлар	Бир ном учун	76
	қўшимча	хар бир ном учун	22

1.6.8	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий буюмлар	Бир ном учун	61
1.7	Шифохоналар учун ускуналар		
1.7.1	Жарроҳлик ва махсус столлар:		
	а) механик	бир ном учун	60
	б) электр ўтказгич билан	бир ном учун	68
1.7.2	Функционал, махсус тиббиёт кароватлари:		
	а) механик	бир ном учун	56
	б) электр ўтказгич билан	бир ном учун	67
1.7.3	Неонатал столлар	Бир ном учун	56
1.7.4	Кўрув кушеткалари, кресло-кушеткалар, тиббиёт замбиллари ва аравачалар	Бир ном учун	56
1.7.5	Ногиронлар аравачалари:		
	а) механик	Бир ном учун	62
	б) электр	Бир ном учун	67
1.7.6	Механик ва электрон тиббиёт тарозлари	Бир ном учун	55
1.7.7	Жарроҳлик ёритгичлари:		
	а) стационар	Бир ном учун	67
	б) ҳаракатланувчи	Бир ном учун	67
1.7.8	Тиббиёт мебеллари (металл конструкцияли)	Бир ном учун	56
1.7.9	Ёритувчи кўрув лампалари	Бир ном учун	67
1.7.10	Шифохоналар учун бошқа ускуналар	Бир ном учун	67
1.8	Тиббиёт асбоблари		
1.8.1.	Тиббиёт асбоблари: санчувчи, кесувчи, сиқиб чиқарувчи, қисувчи, зондловчи, найчасимон, аъзоларни текшириш ва даволаш учун қўлланиладиган асбоблар (бужлар), тикиш учун асбоблар:		
	стерилланган	бир ном учун	84
	қўшимча	хар бир ном учун	23
	стерилланмаган	бир ном учун	72
	қўшимча	хар бир ном учун	18
1.8.2	Катетерлар, бужлар, зондлар	Бир ном учун	92
	қўшимча	хар бир тур ва диаметр ўлчами учун	24
1.8.3	Тиббий буйраксимон лотоклар	Бир ном учун	62
	қўшимча	хар бир модификация учун	2
1.8.4	Бикслар, контейнерлар ва бошқалар	Бир ном учун	62
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	2
1.8.5	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий асбоблар	Бир ном учун	62
1.9	Протезлар ва имплантантлар		
1.9.1	Гиалурон кислота асосидаги тиббий буюмлар, филлерлар:		
	игнали;	бир ном учун	95
	қўшимча	хар бир тури ва ҳажми учун	34
	игнализ;	бир ном учун	67

	қўшимча	хар бир тури ва хажми учун	15
1.9.2	Ортопедик воситалар: корсетлар, реклинаторлар, тунторлар ва бошқалар (шу жумладан тиббий кўлтиктаёклар ва хассалар)	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация ва ўлчам учун	1
1.9.3	Синишларни даволаш учун шиналар	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация ва ўлчам учун	1
1.9.4	Электрстимуляторлар (имплантация қилинадиган кардиостимуляторлар)	Бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир модификация учун	21
1.9.5	Сунъий қон-томир протезлари ва ямоқлар, эндопротезлар, кўкрак беги протезлари, стоматология имплантлари, кохлеар имплантатлар, оёқ-кўл, бўғим ва тананинг айрим қисмлари, аъзолари имплантатлари	Бир ном учун	91
	қўшимча	хар бир тур ва диаметр ўлчами учун	37
1.9.6.	Импланталогия ва протезлаш учун сарф материаллари	Бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир тур ва диаметр ўлчами учун	21
1.9.7	Оёқ ва кўл протезлари	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация учун	1
1.9.8	Оёқ ва кўл аппаратлари	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация учун	1
1.10	Анатомик моделлар, муляжлар ва одам фантомлари		
1.10.1	Асосий торс	Бир ном учун	56
1.10.2	Интубация учун моделлар, муляжлар ва одам фантомлари	Бир ном учун	56
1.10.3	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий асбоблар	Бир ном учун	56
1.11	Тиббий буюмлар		
1.11.1	Фиксацияловчи лейкопластирлар	Бир ном учун	75
	қўшимча	хар бир тури ва хар 3 хил ўлчами учун	14
1.11.2	Даволовчи пластирлар ва ханталлар		
	стерилланмаган	бир ном учун	84
	қўшимча	хар бир тури учун	21
	стерилланган	бир ном учун	91
	қўшимча	хар бир тури учун	28
1.11.3	Резинали, резина матоли, латексли, винил, нитрил ва бошқа тиббий буюмлар (презервативлар, кўлқоплар, грелкалар, катетерлар, жгутлар)		

	стерилланмаган	бир ном учун	71
	қўшимча	хар бир тури ва ўлчами учун	11
	стерилланган	бир ном учун	78
	қўшимча	хар бир тури ва ўлчами учун	17
1.11.4	Варикоз томир кенгайиши бўлган беморлар учун белбоғлар, бандажлар, колготкалар, пайпоқлар, эластик бинтлар	Бир ном учун	67
	қўшимча	хар бир тури ва ўлчами учун	7
1.11.5	Симобли ва симобсиз тиббиёт термометрлари	Бир ном учун	61
1.11.6	Электрон тиббиёт термометрлари	Бир ном учун	61
1.11.7	Бачадон ичи спирали	Бир ном учун	75
	қўшимча	хар бир тури учун	17
1.11.8	Беморларни парваришлаш учун буюмлар (пешоб ва нажас қабул қилгич, судно, спринцовкалар)	Бир ном учун	71
	қўшимча	хар бир тури ва ўлчами учун	8
1.11.9	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий буюмлар	Бир ном учун	71
	қўшимча	хар бир тури ва ўлчами учун	8
1.12	Биринчи тиббий ёрдам учун боғлов воситалари		
1.12.1	Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун сумка, дори қутиси (агар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситалари ва тиббий буюмлар тўпламига киритилган бўлса)	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир тури учун	1
1.12.2	Тиббиёт елими ва бошқа тайёр елимловчи воситалар	Бир ном учун	62
	қўшимча	хар бир ҳажм учун	8
1.12.3	Яраларни битирувчи воситалар (геллар, мойлар)	Бир ном учун	77
	қўшимча	хар бир ҳажм учун	23
1.12.4	Докали тиббиёт бинтлари, тиббий боғловчи воситалар, тиббиёт докалари, салфеткалар, тиббиёт никоблари, бўлаклари		
	стерилланган	бир ном учун	77
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	17
	стерилланмаган	бир ном учун	71
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	11
1.12.5	Гипсли бинтлар	Бир ном учун	67
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	7
1.12.6	Гигроскопик тиббиёт пахтаси		
	стерилланган	бир ном учун	80
	қўшимча	хар бир ўрам учун	18
	стерилланмаган	бир ном учун	73

	қўшимча	хар бир ўрам учун	11
1.12.7	Тикув материаллари		
	стерилланган	бир ном учун	87
	қўшимча	хар бир диаметр учун	26
	стерилланмаган	бир ном учун	75
	қўшимча	хар бир диаметр учун	14
1.12.8	Тикув материаллари игнаси билан		
	стерилланган	бир ном учун	90
	қўшимча	хар бир диаметр учун	26
	стерилланмаган	бир ном учун	78
	қўшимча	хар бир диаметр учун	15
1.12.9	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий буюмлар		
	стерилланган	бир ном учун	82
	қўшимча	хар бир тур учун	23
	стерилланмаган	бир ном учун	70
	қўшимча	хар бир тур учун	11
1.12.10	Полимер материаллардан тайёрланган маҳсулотлар		
	стерилланган	бир ном учун	91
	қўшимча	хар бир тур учун	30
	стерилланмаган	бир ном учун	79
	қўшимча	хар бир тур учун	18
1.12.11	Ультратовуш ташхиси (УТТ) учун гель	Бир ном учун	63
	қўшимча	хар бир хажм учун	9
1.12.12	Гемостатик материаллар	Бир ном учун	78
	қўшимча	хар бир ўлчам учун	24
1.13.	ЛОР амалиёти учун ускуна, аппаратлар ва буюмлар		
1.13.1.	ЛОР комбайни (асосий иш жойи, ёритгич, шифокор креслоси, пациент креслоси)	Бир ном учун	67
1.13.2	ЛОР амалиёти учун ускуна ва аппаратлар	Бир ном учун	67
1.13.2	ЛОР амалиёти учун буюмлар		
	стерилланган	бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир тур учун	21
	стерилланмаган	бир ном учун	57
	қўшимча	хар бир тур учун	5
1.13.4	Эшитиш аппарати	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация учун	2
1.13.5	Ушбу гуруҳда кўрсатиб ўтилмаган бошқа тиббий буюмлар		

	электр	бир ном учун	67
	қўшимча	хар бир модификация ва ўлчам учун	3
	электр бўлмаган	бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир модификация ва ўлчам учун	1
1.13.6.	Ювиш ва чайиш учун эритмалар ва воситалар (томчилар, суюқликлар, спрейлар)	Бир ном учун	83
	қўшимча	хар бир тури ва ҳажми учун	29
1.14	Офтальмология учун ускуна, аппаратлар ва буюмлар		
1.14.1	Офтальмологнинг иш жойи (асосий иш жойи, ёритгич, шифокор креслоси, пациент креслоси)	Бир ном учун	67
1.14.2	Кўз ички босимини ўлчаш ва кўз гемодинамикасини текшириш учун қурилмалар	Бир ном учун	67
1.14.3	Жарроҳлик офтальмологик ускуналари	Бир ном учун	67
1.14.4	Ташхис офтальмологик аппаратлари		
	а) электрик: тирқишли лампа, белгилар проектори, авторефрактометр, периметр, фундус камераси	бир ном учун	67
	б) механик: офтальмоскоп, пахиметр, фороптер ва бошқалар	бир ном учун	56
1.14.5	Контакт интраокуляр линзалар	Бир ном учун	88
	Қўшимча	хар бир ном ва диаметр учун	34
1.14.6	Оптик ойналар, кўзойнак линзалари	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир ном ва диаметр учун	1
1.14.7	Оптик ойналар тўплами, ташхис учун кўзойнак линзалари	Бир ном учун	56
	қўшимча	хар бир ном ва диаметр учун	1
1.14.8	Юмшоқ ва қаттиқ контакт линзаларни тозалаш ва сақлаш учун воситалар ва эритмалар	Бир ном учун	77
	қўшимча	хар бир ҳажм учун	23
1.14.9	Офтальмология учун махсус воситалар (кўз томчилари, силиконли мой, кўзнинг шилимшиқ қисмини вақтинча алмаштирувчи офтальмологик материал, юқори эластик офтальмологик эритмалар)	Бир ном учун	83
	қўшимча	хар бир модификация ва ҳажм учун	29
1.14.10	Офтальмология учун бошқа буюмлар		
	стерилланган	бир ном учун	83
	қўшимча	хар бир тур учун	18
	стерилланмаган	бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир тур учун	8
1.15	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун ускуна, аппаратлар ва буюмлар		
1.15.1	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун ускуналар ва аппаратлар	Бир ном учун	67

1.15.2	Гинекологик, проктологик ва урологик кресло		
	а) электр ўтказгичли	бир ном учун	67
	б) электр ўтказгичсиз	бир ном учун	56
1.15.3	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун буюмлар		
	стерилланган	бир ном учун	77
	қўшимча	хар бир тур учун	17
	стерилланмаган	бир ном учун	67
	қўшимча	хар бир тур учун	7
1.15.4.	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун махсус воситалар (эритмалар, геллар, шамчалар, суртмалар)	Бир ном учун	84
	қўшимча	хар бир ном ва ҳажм учун	30
1.16	Инфузия ва трансфузия буюмлари		
1.16.1	Шприцлар, инфузион, трансфузион, эксфузион тизимлар	Бир ном учун	97
	қўшимча	хар бир тур ва ҳажм учун	31
1.16.2	Қонни олиш ва сақлаш учун қопчалар, қон олиш учун вакуумли пробиркалар:		
	антикоагулянт билан	бир ном учун	101
	қўшимча	хар бир ном учун	40
	антикоагулянтсиз	бир ном учун	82
	қўшимча	хар бир ном учун	23
1.16.3	Фистула, инъекцион, атравматик, жарроҳлик игналари	Бир ном учун	97
	қўшимча	хар бир тур учун	34
1.16.4	Шприц-ручка		
	тўпламда игнаси билан	бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир модификация учун	21
	игнасиз	бир ном учун	62
	қўшимча	хар бир модификация учун	7
1.16.5	Ўтказгичлар, зондлар, найчалар, катетерлар, канюлялар	Бир ном учун	98
	қўшимча	хар бир ном ва хар уч ўлчам учун	38
1.16.6	Тиббиёт стерил скарификатори	Бир ном учун	73
	қўшимча	хар бир тур учун	21
1.16.7	Махсус ҳарорат талаб қилинувчи инфузион эритмаларни сақлаш учун сумкалар, контейнерлар, препаратларни ташиш учун сумкалар	Бир ном учун	61
	қўшимча	хар бир ҳажм учун	2
1.17	Стоматология учун ускуналар, аппаратлар ва тиббий буюмлар		

1.17.1	Стоматология ускуналари ва аппаратлари	Бир ном учун	67
1.17.2	Стоматология ускуналар (асосий иш жойи, ёритгич, шифокор креслоси, пациент креслоси)	Бир ном учун	67
1.17.3	Бурчакли ва тўғри учликлар	Бир ном учун	63
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	5
1.17.4	Турбинасимон учликлар	Бир ном учун	60
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	2
1.17.5	Микромоторлар	Бир ном учун	60
	қўшимча	ҳар бир модификация учун	2
1.17.6	Қолип олиш материаллари	Бир ном учун	63
	қўшимча	ҳар бир ном учун	5
1.17.7	Стоматология пластмассалар, асоси метал керамика ва пластмасса	Бир ном учун	63
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам тури учун	5
1.17.8	Стоматология ёрдамчи материаллари: мумлар, лаклар, сайқаллаш материаллари, оловга чидамли ва дубликацион материаллар, маҳкамлаш учун ёрдамчи, даволовчи материаллар	Бир ном учун	73
	қўшимча	ҳар бир тур учун	13
1.17.9	Метал керамика, цемент ва пломбаловчи материаллар	Бир ном учун	73
	қўшимча	ҳар бир тур ва ҳажм учун	13
1.17.10	Абразив буюмлар: дисклар, тошлар, айланалар	Бир ном учун	63
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	5
1.17.11	Борлар, штифтлар, файллар, арралар, ортодоник кулфлар	Бир ном учун	77
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	18
1.17.12	Трейнерлар, лигатуралар, эластиклар, брикетлар, яноқ найлари, ортодонтик ҳалқалар	Бир ном учун	59
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	4
1.17.13	Стоматология учун бошқа буюмлар	Бир ном учун	63
	қўшимча	ҳар бир модификация ва ўлчам учун	5
1.18	Физиотерапия учун аппаратлар		
1.18.1	Электр билан даволаш, дарсонвализация, электростимуляция, қисқа тўлқинли, микротўлқинли даволаш, индуктотерапия учун аппаратлар	Бир ном учун	67
1.18.2	Механик даволаш, вибромассаж ва сув билан даволаш учун аппаратлар, контрпульсация тизими	Бир ном учун	67

1.18.3	Аэрозоль аппаратлари, ингаляторлар:		
	а) механик	бир ном учун	56
	б) автоматик	бир ном учун	67
1.18.4	Ультратовуш билан даволаш учун аппаратлар, нур билан даволаш учун нурлатгичлар ва ИҚ-терапия, терапевтик лазер	Бир ном учун	67
1.18.5	Тиббий косметологик ускуналар, қурилмалар ва аппаратлар	Бир ном учун	67
1.18.6	Педикүлэзни даволаш учун аппарат	Бир ном учун	67
1.18.7	Озонотерапия учун қурилмалар, кислород концентраторлари ва бошқалар	Бир ном учун	67
1.18.8	Квант терапия учун аппаратлар	Бир ном учун	67
1.18.9	Тиббий соғломлаштирувчи тренажерлар	Бир ном учун	67
1.18.10	Физиотерапия учун бошқа аппаратлар	Бир ном учун	67
<b>2.</b>	<b>Рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномасини амал қилиш муддатини узайтириш</b>	<b>Рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимнинг 50 %</b>	
<b>3.</b>	<b>Тиббий техника, тиббий буюм ва диагностика воситаларнинг рўйхатдан ўтказганлик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш</b>		
3.1	апробациясиз	Рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимнинг 30 %	
3.2	апробация билан	Рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимнинг 50 %	
3.3	тиббийда қўллаш бўйича йўриқномасига ўзгартириш киритиш	Бир ном учун	23
3.4	ўрам ва ёрлиғини маъқуллаш	Бир ном учун	22
<b>4.</b>	<b>Рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш (ишлаб чиқарувчи ва/ёки буюртмачининг, рўйхатдан ўтказганлик гувоҳнома эгасининг тадбиркорлик субъекти шакли, ишлаб чиқарувчининг ва/ёки буюртмачининг юридик манзилени номи (ишлаб чиқариш жойи ўзгармаган ҳолда))</b>	<b>Бир гувоҳнома учун</b>	<b>12</b>
<b>5.</b>	<b>Рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномасининг дубликатини бериш</b>	<b>Бир гувоҳнома учун</b>	<b>5</b>
<b>6.</b>	<b>Тиббий техника ва тиббий буюмларни тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш**</b>		
6.1	Тиббий техника	Бир ном учун	59
6.1.1	Тиббий асбоблар тўплами (инструментлар): санчувчи, кесувчи, сиқиб чиқарувчи, қисувчи, зондловчи, найчасимон аъзоларни текшириш ва даволаш учун қўлланиладиган асбоблар (бужлар), тикин учун асбоблар, бошқалар	Бир тўплам учун	211
6.2	Тиббий буюмлар	Бир ном учун	59
6.3	Гемодиализ ва бошқалар учун сарф материаллари (гемоконцентратлар, концентратлар)	Бир ном учун	59
6.4	Ташхис воситалари, реагентлар тўплами ва бошқа лаборатория ташхис воситалари	Бир ном учун	59
6.5	Гиалурон кислотаси асосидаги тиббий буюмлар, филелар, бошқалар	Бир ном учун	59
6.6	Яраларни битирувчи воситалар (геллар, мойлар ва бошқалар)	Бир ном учун	59
6.7	Ювиш ва чайиш учун эритмалар ва воситалар, бошқалар (томчилар, суюқликлар, спрейлар ва бошқалар)	Бир ном учун	59

6.8	Юмшоқ ва қаттиқ контакт линзаларини тозалаш ва сақлаш учун воситалар ва эритмалар	Бир ном учун	59
6.9	Офтальмология учун махсус воситалар (кўз томчилари, силиконли мой, кўзнинг шилимшиқ қисмини вақтинча алмаштирувчи офтальмологик материал, юқори эластик офтальмологик эритмалар, бошқалар	Бир ном учун	59
6.10	Акушерлик, гинекология, проктология ва урология учун махсус воситалар (эритмалар, геллар, шамчалар, суртмалар ва бошқалар)	Бир ном учун	59
6.11	Махсус ҳарорат талаб қилинувчи инфузион эритмаларни сақлаш учун сумкалар, контейнерлар, препаратларни ташиш учун сумкалар	Бир ном учун	59
7.	<b>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган «in vitro» ташхис буюмларини тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш</b>		
7.1	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан малакаланган ташхис воситалари, реагентлар тўплами ва бошқа лаборатория ташхис воситалари	Бир ном учун	59

*Изоҳлар:*

\* Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун бир вақтнинг ўзида бир нечта бандлари асосида ариза тақдим этилганда йигим миқдори 3.1.1-бандда кўрсатиб ўтилган миқдорда ундирилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини амал қилиш муддатини узайтириш вақтида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилган тақдирда амал қилиш муддатини узайтириш учун ундириладиган йигимдан ташқари рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун белгиланган йигимлар миқдоридида қўшимча йигим ундирилади;

\*\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 27 февралдаги ПҚ–88-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг протез мосламалари ва реабилитация воситаларини, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиққанлик ва тегишли гувоҳнома берганлик учун йигимлар миқдорини 50 фоизга камайтирилган ҳолда ундирилади.

Тиббий буюм ва тиббий техниканинг бир неча модификацияси бир вақтда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган тақдирда ҳар бир модификация ва/ёки ном учун рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йигимнинг 40 фоизи миқдоридида ундирилади;

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**379** Hududlardan onkologiya va gematologiyaga ixtisoslashtirilgan yo‘nalishlari bo‘yicha respublikaning bosh tibbiyot tashkilotlariga temir yo‘l yoki aviatransport vositalari orqali bepul keluvchi bemorlar uchun yo‘l chiptalarini rasmiylashtirishga asos bo‘luvchi maxsus vaucher shaklini tasdiqlash haqida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
24-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3564*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 13-oktabrdagi 643-son “Gematologik va onkologik kasalliklarga chalingan bemorlarni yanada qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Hududlardan onkologiya va gematologiyaga ixtisoslashtirilgan yo‘nalishlari bo‘yicha respublikaning bosh tibbiyot tashkilotlariga temir yo‘l yoki aviatransport vositalari orqali bepul keluvchi bemorlar uchun yo‘l chiptalarini rasmiylashtirishga asos bo‘luvchi maxsus vaucher shakli ilovaga\* muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi bilan kelishgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 16-oktabr,  
32-son

*Kelishildi:*

*Transport vaziri*

**I. MAXKAMOV**

*2024-yil 10-oktabr*

---

\* Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2024 йил 28 сентябрдаги 1-2024-сон “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

***2024 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 2 октябрдаги 22-сон “Машина-трактор паркларининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина саройлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 772-1.***

3. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 19-sentabrdagi 176-son “Byudjet tashkilotlari xodimlarini moddiy rag‘batlantirish maxsus fondi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 22-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3561.***

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 9 сентябрдаги 175-сон “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (16-сонли БҲС) “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

***2024 йил 22 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3562.***

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 6 сентябрдаги 31-сон “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хорижий ишлаб чиқарувчисининг (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакилнинг) аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим миқдорларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2024 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3563.***

6. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2024-yil 16-oktabrdagi 32-son "Hududlardan onkologiya va gematologiyaga ixtisoslashtirilgan yo'nalishlari bo'yicha respublikaning bosh tibbiyot tashkilotlariga temir yo'l yoki aviatransport vositalari orqali bepul keluvchi bemorlar uchun yo'l chiptalarini rasmiylashtirishga asos bo'luvchi maxsus vaucher shaklini tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

*2024-yil 24-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3564.*

### *II. Davlat reestridan чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган «Машина-трактор паркларининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина саройлари тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 772, 1999 йил 12 июль).

*2024 йил 22 октябрда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда 98-сон билан тасдиқланган «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 177, 1995 йил 20 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 177-1, 2002 йил 26 март), (рўйхат рақами 177-2, 2004 йил 9 февраль), (рўйхат рақами 177-3, 2007 йил 17 майдаги), (рўйхат рақами 177-4, 2008 йил 11 январь), (рўйхат рақами 177-5, 2015 йил 9 июль).

*2024 йил 22 октябрда давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 22 апрелдаги 35-сонли «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси тўғрисидаги низомга расмий шарҳ бериш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 6-16/1-5260/6, 2014 йил 30 апрель).

*2024 йил 22 октябрда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**